

Пўлат Мўмин



ОЛТМИШ
ОЛТИ
ОЛТИН
ҚЎЛ



Шеърий
туркум
ва достон

А В Т О Р Д А Н

Ассалому алайкум, азиз китобхон.

Сенга «Олтмиш олти олтин қўл» деган янги китоб
ёзим. Мен буни кўпдан бери ўйлаб, ишлаб юрардим.

Бу китобда, кўнлардан бир кўни 66 та дўст бир
ерга йиғилиб давра қуришади. Даврада ҳар бири ўз
касбу ҳунаридан, ўзи эгаллаган илму фан соҳасидан,
ҳатто сидқидилдан бажараётган вазифасию эришган
орзуларидан навбат билан тўлиб-тошиб, кўнгил сўз-
ларини айтадилар, таништирадилар.

Мен бўлсам, ана ўшаларнинг сўзларини 12 хил
вазидаги шеърга кўчирдим.

Улар орасида космонавтлардан тортиб сартарош-
гача, химик олимдан тортиб футболчигача бор.

Қани энди, бирортасининг ўзи ҳақидаги мулоҳаза-
си-ю, завқи, кўнглингга тушиб, орзуларингга йўл очса—
қизиқтирса; баъзиларда учрайдиган нуқсонларни ту-
затишга кўмак берса борми, роса қойил бўларди-да.

П 70803—128
356 (06) — 77 130—77

© Издательство «ЕШ ГВАРДИЯ» — 1977

ОЛТМИШ ОЛТИМИЗ ҚЎЛИ ОЛТИНМИЗ

*Болалар, сиз билан шу китоб бўйлаб,
Гаплашиш пайтини юрардик ўйлаб.
Шу бугун топилди энг қулай фурсат,
Сиз учун сўзлаймиз навбатма-навбат.*

*Ўзимиз очамиз ўзимиздан сўз,
Биримиз қош бўлсак, биримиз-чи, кўз.
Баримиз ишлаймиз биримиз учун,
Биримиз ишлаймиз баримиз учун.*

*Ҳаётда ўрни бор ҳар бир ҳунарнинг,
Болалар яхшилаб эсланг буларни.
Шундайдир сизларга диллар севинчи:
Ҳар ишда бўлинглар доим биринчи.*

*Икки қўл зарбидан чиққан каби қарс,
Ҳам илм, ҳам ҳунар тубдан чамбарчас,
Билимнинг камини ҳунар тўлдирар,
Ҳунарнинг юзини илм кулдирар.
Бир фаннинг ичидан юз хил фан чиққан,
Бир ҳунар ўзига юз ҳунар йиққан.
Зарурдир бу ҳолни олмоқ ҳисобга,
Ҳар қандай орзулар чиқар рўёбга,
Қалашиб ётибди имкониятлар.
Чин бўлса бўлгани дилда ниятлар.*

*Ҳар кимда бўлади турлича талант,
Талантга меҳнатни этингиз пайванд.
Йигиту қизларга етмиш ҳунар оз,*

Бу ҳикмат маъносин чақмоқ жуда соз.
Ешликда ўрганган икки — учини,
Қаригач кўради бахту кучини.
Бири бўлмай қолса, бири келар қўл,
Ҳунарли одамга равон бўлар йўл.
Ҳунар, фан — қаримас, қаритмайди ҳам,
Ножўя йўлларга чалғитмайди ҳам.
Буларни сизларга айтмоқ бурчимиз.
Етканча сўзлаймиз ақлу кучимиз,
Кечиринг учраса бизда каму кўст,
Галма-гал сўзлаймиз олтиши олти дўст.

УҚИТУВЧИ БЕРДИ-ДА САЛОМ, СУҲБАТИНИ ЭТТИРДИ ДАВОМ

Уқитувчилик
Ургатиш демак,
Ургатиш учун
Урганиш керак.
Гул очилганда
Гектар ва гектар,
Болари ундан
Олар-да нектар,—
Сўнг уясига
Келтиради бол.
Уқитувчи ҳам
Бунга бир мисол.
Билим болини
Йиғволиб мен ҳам
Болалар билан
Кўраман баҳам.
Чуқур бўлсин деб
Дарсим мазмуни.
Мактаб боришдан
Олдин ҳар куни,
Қаранг, ўзим ҳам
Ўрганаман дарс.
Уқитувчига
Бу фарз ва қарз.
Мен ҳам бу касбни
Юракдан севдим.

Унинг фахри-ю,
Қимматин сездим.
Уқитганларим
Ҳар бир соҳада:
Завод, фабрикада,
Дала, воҳада...
Биттаси олим,
Ошган ўзимдан,
Баъзи бирлари
Юрар изимдан.
Ҳар бир шогирдим
Берганда салом,
Ҳурмат иззатдан
Оламан ором.
Қаранг, зўр қувонч
Қуршаб шу маҳал,
Устоз кўзимга
Кўринар ҳар гал.
Шогирдлик ўхшар
Эстафетага,
Бугунги шогирд
Устоз эртага.
Улуғ истагим
Шундайдир холос:
Ҳар бир ўқувчим
Бўлолсин устоз.

**ҚОИИЛ ҚИЛИБ СУЗЛАР
КОСМОНАВТ АҚАМ
ҲАМ БИЛАҒОН, ҲАМДА
БОТИР ЧИНАҚАМ**

Космонавт бўлмоқлик қандайин соз-а,
Фазога Гагарин очди дарвоза.

Космонавт бўлмоқнинг кўпдир талаби,
Бордир ўзига хос дарсу мактаби.
Космонавт бўлишни ўйлаб астойдил
Ўқидим, ўргандим, чиниқдим кўп йил.
Навбатим келганда учдим бир куни,
Улуғ кун санайман умримда уни.
Учардим фазода кеча-кундузлар,
Гўё қўл узатар кўкда юлдузлар.
Ишонмай боқаман ўзим-ўзимга,
Олам қизиқарди босган изимга.
Фазо ҳам ўзича ўзгача дунё,
Бағрини кенг очган, ўрган деб гўё.

«Космонавт бўлдингиз қандай қилиб
сиз?»

Болалар сўрашиб туришар тез-тез,
Қўрмайман ўзимни мақтамоқни эп,
Қаҳрамон мақтанмас,
Қаҳрамонлик деб.
Машқ қилдим, чиниқдим,
Яна машқ қилдим,
Қийналдим, чидадим,
Ўргандим, билдим.

Ҳар кимда бўлади энг улуғ армон,
Космонавт бўлмоқчи қайси бир ўғлон,

Чиниқсин, ўқишда, ирода — кучда.
Космонавт бўлолмас,
Ўқиса «уч»да.
Билими, соғлиғи доим «5» бўлса,
Яхшига меҳрибон, аҳил — эш бўлса.
Ундайин болалар ўз навбатида, —
Келажак кунларнинг космонавти-да!



ДОНО ВА МЕҲРИБОН СУЗЛАДИ БОҒБОН

Дўстларим,
Сизлардан
Илтимосим бор.
Яхшиси,
келинглар —
Боғимга бир бор.

Эшитгандан кўра
Кўрган дерлар соз.
Гулларим этайин
Йўлга поёндоз.

Балки сўзларимни
Дарахт барглари
Шивирлаб,
Шитирлаб
Маъқуллар бари.

Мен бўлсам ота-ю,
Дарахтлар фарзанд.
Барча ниҳолларга
Юрагим пайванд.

Тўрт фасл тўқаман
Пешанамдан дур.

Ниҳолга сочаман
Кўзларимдан нур.

Боғим яшнашидан
Кўнглингиз ўсар.
Шохлари қўл мисол
Мевасин чўзар.

Мевамдан еб кўриб
Қилинглари роҳат,
Менга кифоядир
Десангиз «раҳмат!...»

Бобомлар сўзини
Эслайман ҳар вақт:
Дердилар:
— Дарахт
Келтиради бахт.

Қарисам ҳам
кўпдир
Эзгу-одатим.
Юртимни боғ қилиш
Орзу ниятим.

СУЗЛАМОҚЧИ КРАНЧИ ҚАНИ, ТИНГЛАБ ҚАРАНГ-ЧИ

Менинг мақтайдиганим,
Юк кўтаргич краним.
Темирдан ҳамма ёғи,
Ерда маҳкам оёғи.
Боши осмонга етган,
Гавдасини ғоз тутган,
Бамисоли темир фил,
Жирафа унга қойил.
Хартумин чўзар ҳар ён,
Кўрганлар роса ҳайрон.
Қомати терак бўйи,
Бордир хонача — уйи.
Ишимга ошиқаман,
Зинасидан чиқаман,
Бурасам гар мурватин
Кўрсатар куч-қувватин.
Тонналаб юк кўтарар
На чарчар,
На йўталар.

Ердаги ётган юкка
Қўлини чўзар тикка,
Темир арқонга илиб,
Етказар билиб-билиб.
Бетон деворларни ҳам,
Кўтаради чинакам.
Ғиштларни-чи, юз-юзлаб
Етказди физиллаб.
Дераза-ю, ромини,

Ҳатто бино томини
Элтар гўё бир қўлда,
Дамин олмайди йўлда.

Бу крани бошқариш
Менга жуда ёқар иш.
Дилдан севган ҳунарим,
Завқли ўтар кунларим.
Менинг темир полвоним
Кулдиргувчи армоним.
Талай бино — қурилиш,
Краним қўшар улуш.

ОҚ ХАЛАТ КИЙГАН ВРАЧ ГАПИРДИ НАВБАТ КЕЛГАЧ

ТошМИда роса ўқиб,
Ўқиганларим ўқиб,
Энди-чи, шифокорман.
Соғлиқ учун тайёрман.

Элда гап бор чиройлик:
«Соғломлик туман бойлик»,
Бўлмоқ соғ-у, саломат
Чиндан бахт-у, саодат.
Энг аввало тан соғлиқ,
Ўшал одамга боғлиқ.

«Касалликнинг олдини —
Олиш, ишнинг олтини».
Дея талай улуғлар, - -
Беришган йўл-йўриғлар.

Бўлмоқ озода-тоза
Соғлиққа асос роса.
Ҳар ким ўзини асраб —
Юрса, бузмаса асаб,
Касаллик деган ёвдан,
Касаллик қўйган ғовдан —
Бемалол ўта олар,
Манзилга ета олар.
Учраса бемор одам,
Жонига бўлиб малҳам
Даволашга шошаман,
Жонга ором қўшаман.

Айтиб сўзлар гулини
Кўтараман кўнглини.

Бобомиз ибн Сино
Бўлганлар жудо доно.
Деганлар, ҳар бир аъзо,
Бири-биридан аъло.
Ҳаммасидан энг керак,
Инсондаги дил-юрак.
Юрак бўлса шодон — чоғ,
Юрак бўлса тоза-соғ
Учрамас бемазалик:
Жоҳиллик ва касаллик.
Ҳар касалга доимо
Яхшилик улуғ даво.

Ниятим шу, ҳар инсон
Яшай олсин тинч-омон.
Бахтиёрман мен ҳар дам
Бера олсам «Тез ёрдам».

ПОЙАБЗАЛ ФАБРИКАДАН МАСТЕРДИР ТАБРИҚЛАГАН

Пойабзал фабрикалар
Жуда қизиқ нақадар.
Ҳозирда оёқ кийим —
Тайёрлаш эмас қийин.
Зарурмас бигиз, игна.
Ишни ҳар бир машина
Бекаму кўст уддалар,
Кузатади усталар.

Улаб берса битта цех,
Бошқа цех қоқади мих.
Зарур бўлса-чи, пошна
Унга ҳам бор машина.
Бир цех қолипга тортар,
Яна чиройи ортар.
Бир цехда пардозланар,
Бир цехда-чи, созланар.

Мен бир цех мастериман,
Оддий чарм-теридан —
Ясайман қойил туфли,
Бири-биридан кўҳли.
Ҳамма ёғи мустаҳкам,
Айтсам гапнинг бу ёғин,
Кийганларнинг оёғи
Маза қилар росаям.
Пойабзалда кўп гап бор,
Мисоли у пойдевор.
Пойабзал бўлса қулай
Юриш осон ҳар қалай.
Иссиқ тутар аёзда,

Зарурдир ҳатто ёзда.
Учрар баъзи бир бевош.
Ботинкада тепар тош.
Гоҳида нодон-қолоқ
Кечар лойу қатқалоқ.
Танламоқ оёққа мос.
У ҳам қойил иш бир оз.
Мойламайди ойда бир,
Чакак кетган, чангу кир.
Кечаверар балчиқ, лой,
Кўриб дейсиз: «Эсиз, вой...»
Баъзилар кияр катта,
У ҳалпиллар, албатта.
Халқда шундай мақол бор:
«Дунё кенглиги бекор
Сиқса этик оёқни»
Кўпайтирар қадоқни.
Уларни кўрган пайтим,
Келар анча гап айтгим.
Турли-туман пойабзал,
Барча кийимдай афзал.



ЕР БОЙЛИГИ КҮП, — ДЕДИ ШАХТЕР УЗИ ДАДИЛ, СЎЗИ ҲАМ ШАХТДИР

Кон камарин боғладим белга,
Аслида бу мардликдан белги.
Шахтёрлик ҳам зўр иш жаҳонда,
Ун йил бўлди ишлайман конда.
Кўмир қазиш эмасдир осон,
Қийин ишдан қочмай ҳеч қачон,—
Меҳнат қилиб ернинг остида,
Обрў топдим ернинг устида.
Шахта ичи ажиб хазина,
Хазинага ясадик зина.
Калит солиб тилсим қулфига,
Қўл узатдик ернинг қалбига,
Ер ол, дейди, бор хазинамни,
Бир оз бўшат, дейди сийнамни,
Қора кўмир — бу қора олтин,
Бойликларнинг кўпидан олдин.
Саноатнинг нонидир кўмир,
Саноатнинг жонидир кўмир.
Ранги қора, лекин покиза,
Билганларга шундоқ мўъжиза.
Ҳа, кўмирда ҳикмат кўп жуда,
Қуёш бордай кўмир ичида.
Хоналарга берар ҳарорат,
Одамларга ҳузур-ҳаловат,
Пешонамда ёнади чироқ,
Йўлим этар ёруғ ва порлоқ.
Дўстларимнинг сафда борлиги
Оширмоқда доим қадримни.
Одамларнинг миннатдорлиги

Иситмоқда менинг қалбимни.
Стаханов таратган довруғ
Юзимизни этганди ёруғ,
Ака-ука Ангрен, Донбасс
Хазинамиз асло тугамас.



ХОНАНДА ХУНАРГА БАҒИШЛАБ КУЙЛАДИ, ТИНГЛАДИК ОЛҚИШЛАБ

Сўз, куйни жо қилиб дилимга,
Қувониб куйлайман элимга.
Оламини қўшиққа тўлдирсам,
Оламини қўшиққа тўйдирсам.
Завқидан кулдирсам,
Кулдирсам.

Қўшиқда Сиз бўлиб ўйлайман,
Қўшиқда Сиз бўлиб сўйлайман.
Энг яқин дўстимга ўхшар у.
Юрагим тўрида яшар у,
Қалбимда тошар у,
Тошар у.

Қўшиқлар чин завқдан тўқилган,
Юракдан юракка қуйилган.
Қўшиқдан йўқолур қайғулар,
Қўшиқда барқ урар туйғулар,
Барқ урар орзулар,
Орзулар.

Қўшиқ у барчага теппа-тенг,
Қўшиқни англайди бағри кенг.
Қўшиқлар ишонни баҳолар,
Қўшиқдан бахтига бахт олар,
Яхшилар баҳр олар,
Баҳр олар!

Куйласам мен олтин кўлларни,
Боғларни, оромбахш йўлларни,
Келинлар, жўр бўлиб айтайлик,
Қўшиқни ҳунарга атайлик,
Қўшиқда мақтайлик,
Мақтайлик.
Яшасин дунёда ҳунарлик,
Ким бордир энг улуг улардек.



**ПҰЛАТ ҚУЮВЧИ БИР ҚАРАБ ҚҰЯР
ФАҚАТ ИШНИМАС, ГАПНИ ҲАМ
ҚҰЯР**

Пўлат қуяман металл заводда,
Тобландим роса оловда — ўтда.

Юрак сўзимни этсам ифода,
Зарурдир қудрат, пўлат ирода.
Қуёшдай иссиқ мартен печкаси,
Ловуллар тинмай кундуз, кечаси.
Эриган пўлат мисоли илон
Ўзини урар жилпонглаб ҳар ён
Олов чанг солар одам афтига,
Чидаш осонмас унинг тафтига.

Лавалар ичра пўлат товланар,
Симобдай эрир аста товланар.
Меҳрим қўшилиб эриган гўё
Металлда бўлар, ҳа, оҳанрабо.

Мен қуйган пўлат зарур нақадар,
Ватан белига боғланган камар.
Пўлат истайди буюк гигантлар,
Трактор, мотор, зирҳли танклар
Мен қуйган пўлат беш йиллик учун,
Кўрсата олар ўз қудрат-кучин.

Гайратим тўлар белу билакка,
Етган бўламан улуғ тилакка.

Бекобод шаҳри Фарҳодлар шаҳри
Сўзда тугамас таърифи, шарҳи.

Ҳафиз Ғаниев қаҳрамон устоз,
Иш ўрганганман устоздан оз-оз.
Дўстлар, ҳунарим дилдан суяман,
Пўлат қуяман,
Пўлат қуяман.



ГАПИРДИ ПАХТАКОР ҚИЗ ЎЗИ, ОЧИЛГАН ПАХТАДАЙ ОРЗУСИ.

Ўхшасам Турсуной опамга,
Донг ёйсам пахтадан оламга.
Деб орзу қилардим мактабда.
Ўқирдим шу улуғ мақсадда.
Сўнг кирдим техника курсига,
Дил қўйдим ҳар битта дарсига.
Ўргандим машина тилини,
Орзумга буролдим рулини.
Мен унда чопаман, экаман,
Даламда бахтиёр бекаман.

Куз келса даламда оқ олтин
Етилар мўл ҳосил энг олдин,
Пахталар орзумдай очилар,
Очилиб завқимни оширар.
«Очилган пахтами, гулмикан?
Ёки бахт дегани шулмикан?»
Гулларга боқсангиз агарда,
Очилар одатда бир марта.
Пахтамга беринг-а, эътибор,
Бир йилда очилар икки бор.
Шоналар ўхшару чечакка,
Чечаклар айланар кўсакка.
Айниқса, пахтазор қучоғи
Оқ чаман бўлади куз чоғи,
Қараб ҳеч тўймайман даламга,
Мақтангим келади оламга.

Ҳайдайман зангори кемани
Соз экан техника дегани.

Қойилман олимга, ишчига
Минг ақл жойлабди ичига.
Оқ сутдай пахтани ҳўплайди,
Бир зумда бункерга тўплайди.
Дам ўтмай уяман хирмонга,
Ётгандай бўламан армонга.

Опамлар йўлидан юрдим мен,
Пахтада бахтимни кўрдим мен.
Пахтакор деҳқоннинг қизиман,
Оқ олтин унади изимдан.



ДОКТОРЛАР БОР ТУРЛИ-ТУМАН, МАНА МЕН, ТИШ ДОКТОРИМАН

Докторлар бор турли-туман,
Мана мен, тиш докториман.
Тиш оғизда гўё садаф,
Ишлаб турар бўлиб саф-саф.
Оғиз бўлса эшиксимон,
Демак тишлар унга посбон,
Посбон бардам бўлса ҳар дам
Барча аъзо олар ёрдам.
Оғизда тиш бўлмаса соғ,
Кўнгил сира бўларми чоғ?
Қимки тишин парваришлар,
Хизматга шай ундай тишлар.
Дейишади тиш оғриғи
Оғриқларнинг энг оғири.
Оғизда тиш оғриб турса,
Татимайди ҳеч бир нарса.
Ухлолмайсиз «Вой-вой» дея
Зирқирайди қулоқ, мия...
Тиш оғриғин олдин олиш
Энг зарур иш — энг зарур иш.
Баъзи бир хил болалар бор,
Бермас тишга ҳеч эътибор.
Чақадилар ёнғоқ, бодом,
Ювишмайди ҳатто оқшом.
Сўнгра чиқар ёқимсиз ҳид.
Ёвуз микроб солар таҳдид.
Қолса овқат иритади,
Тиш дурини чиритади.
Милкда пайдо бўлар яллиғ,

Лунж шишади товоқ янглиғ,
Фурсат ўтмай салгина ҳам
Бошланади ангина ҳам.
Пачаваси чиқар ишлар...
Хавф остида қолар тишлар.
Бўлмасин деб ишлар чатоқ,
Амбур ишга тушар, бироқ...
Гоҳ қиламан дори-дармон,
Менда бордир шундай фармон:
«Тишни ювинг эрта-ю, кеч,
Тиш оғриғи кўрмайсиз ҳеч!»



ТЕКСТИЛДАН КЕЛГАН ОПАМ ТАЪРИФ ЭТДИ ИШИН ХУПАМ

Текстилда тўқувчиман,
Узун ишнинг бир учиман,
Яъни сафда дўстларим бор,
Дилдан айтар сўзларим бор,
Ўз ҳунарин севса киши,
Бўлмас асло чигал иши.

Бўлганмисиз текстилда,
Таъриф қилиш қийин тилда,
Шаҳар ичра гўё шаҳар,
Роса гавжум кундуз-саҳар.
Турли-туман машина бор,
Гўё бу ер машиназор.
Иш кетади бир зайлда,
Орастадир ҳамма ёғи,
Бу ер чиндан чит булоғи,
Мато чиқар минг-минг хилда.
Бу ерда ҳар оқшому тонг,
Буолмалар таратиб донг, —
Кўкси узра таққан юлдуз.
Ҳалол меҳнат отган илдиз.
Ишлар бунда турли миллат
Бир-бирига қилмай миннат.
Аҳилликда бир оила,
Улуғ дўстлик чин қоида.

Айта берсам эҳ-ҳе сизга,
Қирсангиз-чи, цехимизга, —
Нақ оғзингиз очилади,

Завқингизни оширади.
Машиналар шундай оқил,
Ақл унга қолар қойил.
Ип ўралган калавалар,
Ўз жойида гир айланар.
Гоҳо тушган бўлар ўйин,
Станоклар чалар куйин.
Қарабсиз-ки ўтмай бир оз,
Газламалар кенг пойандоз...
Чиройини кўз-кўз этар,
Гўё читлар гуллар тутар.
Нақ ранглари турли тусда
Чаманзор лол бу хусусда,
Бу читларнинг толасига,
Чирой очган доласига
Кўзим нурин улаганман.
Дилим меҳрин улаганман.

Цехлар узра мотор сайрар,
Газламалар қайнар, қайнар...
Мен тўқиган газмол мато —
Қуёш, ойга етар ҳатто.




ТРАКТОРЧИ ФИКРИ ТИЙРАК КЎНГЛИДА КЎП АҲДУ ТИЛАК

Қаранг, ҳозир битта мисол
Тушиб қолди ёдимга.
«Тракторчи» сўзин дарҳол
Қўшадилар отимга.
Гўё бу сўз унвон бўлиб
Қўшилади исмимга.
Бир мамнунлик югуради
Юрагимга — жисмимга.
Бундай маҳал мийиғимда
Аста кулиб қўяман.
Бу ҳолатни,
Бу одатни
Фазилатга йўяман.
Мени гўё чақиргандай
Ўз бағрига дала-туз,
Темир жийрон ҳеч чарчамай
Жавлон урар баҳор, куз.
Тракторим ўтган пайкал
Роса яйрар, пўрсиллар.
Дўстлар кўриб дейди шундай:
— Ҳорманг, омон бўлсинлар!

Билганларга бу ҳунар-чи,
Энг обрўли, атоқли.
Меҳнат бахти кўринар чин,
Эҳ, қандайин мароқли.
Йигирма йил бошқараман,
Жийронимнинг рулини.

Тракторим изларидан
Топдим бахтим йўлини.
Мўл ҳосилли водийларда,
Пахтазорда бор изим.
Нур сочади кўксим узра
Ҳунаримдан юлдузим.



ГЕОЛОГ СУЗИ ЧУҚУР ПАЙҚАШ МУМКИН БАҲУЗУР

Ернинг ости ҳам шундоқ —
Ўрганишга кўп муштоқ.
Нима бор ер остида
Билмоқ шарт ер устида.

Тоғу даштни кезамиз,
Не борлигин сезамиз.
Гўё тошлар ҳам китоб,
Ўқиш керак бобма-боб.
«Бу ерда кон бордир, ҳа».
Деб қўямиз сарлавҳа.
Геологлар устози
Устозларнинг мумтози
Ҳабиб Абдулла оға,
Қолдирган фанга совға:
У ажойиб таёқча*,
Геологга байроқча.
У сеҳрли,
Минг сирли...
Қаерда бор газ, олтин,
Айтиб туради олдин.
Шу усул бўлиб бир нур
Ўрганамиз кенг-чуқур.
Ер тагини овлаймиз,
Кези келса ковлаймиз.

* Академик Ҳабиб Абдуллаев ихтиро қилган таёқча.

Зар гилам -- заргар гилам
Ер остида бор олам.
Бағрида минг турли кон
Сақлаб келмоқда ҳамон.
Эҳ, беҳисоб тилсимлар,
«Қани, қани келсинлар».
Дея бизни кутмоқда,
Хазинасин тутмоқда.
Қайтмасдан изимизга,
Олурмиз измимизга.



ГАПИРГАНДА ОДДИЙ ЧҮПОН ҲАММА ҲАЙРОН ҚОЛДИ ЧУНОН

Бобомларнинг боболари чўпон экан,
Мана мен ҳам элга ёқдим чўпонликдан.
Чўпонлик-чи яйловлардай маънога кенг,
Ўз касбини билгичлар бор олимга тенг.

Менинг фикрим доимо қўй-қўзидадир,
Менинг изим сурувларим изидадир.
Қўй-қўзилар ўнгирларда ўтлаган чоғ,
Қараб роса димоғларим бўлади чоғ.
Қўзичоғин излаб қолса она қўйлар,
Дилни қуршар она меҳри деган ўйлар.
Қўзиларнинг «ба-ба»лари хўп ёқимтой,
Най чаламан, жўр бўлади яйловда сой.

Қуёш, баҳор қирга ёйса майса гилам,
Чаманзорга ўхшамасми бутун олам.
Кенг яйловда бағрингиз ҳам очилади,
Нақ бағрингиз, бахтингиз ҳам очилади.
Энг шифобахш ҳаволардан шимирасиз,
Яйдов гашти оғушида семирасиз.

«Қуррей, қуррей», деган сўзим аста янграр,
Йўлга тушар қўй-қўзилар — гўё англар,
Юрт пичоғи мой устида бўлсин дебон,
Сурув билан яйловларда йўртар чўпон.

Халқимизда жуда улуғ шундай гап бор:
«Ота касбин олган асло бўлмайди хор».
Шу сабабдан сира-сира бўлмадим кам,

Қасбимга доғ туширмадим, кўрмадим ғам.
Ота касби сингар экан жонга-қонга,
Юлдуз тақдим, донг таратдим, кенг бўстонга.

Эндиликда ёнимдадир катта ўғлим,
Чўпонликнинг дарсин ўқир, тўқдир кўнглим.
Бориб-бориб набирам ҳам бўлса чўпон,
Бунга асло бўлмаиғ ҳайрон, бўлмаиғ ҳайрон.



**ФИКРИН ДИЛДА ПИШИТИБ
БИРПАС
КУЛИБ НАВБАТ СУРАДИ ОШПАЗ**

Эй, устозлар, аввало салом,
Сўзларингиз мен учун ором.
Бирон гашим ҳазм бўлмаса,
Ё туюлса хиёл бемаза,
Ундай ҳолда мени кечиринг,
Сўзломмайман ихчам, бежирим.

Қим уннаса агар паловга
Қара, дерлар аввал оловга.
Баъзи бирлар уқдирар сизга,
Ҳатто боғлиқ бўлармиш тузга,
Қуруқ сўздан пишарми свқат?
Масаллиғни таплаш ҳам санъат:
Айта қолай гапининг сирасин.
Танлаш керак доим сарасин,
Шунинг каби ошпазда аввал —
Уқув, идрок бўлсин мукамал.
Баъзи бирлар қилса атала
Билолмайсан не деб аталар.
На мазаси, на бордир тузи,
Ича олмас, пиширган ўзи.

Таърифланса бу касбни агар,
Деса бўлар уста кимёгар.
Қўл ўрганиб, кўз пишимоғи —
Керак дерлар устоз сабоғи.

Қўнгил қўйдим ошпазликка ҳа,
Овқатларим қўзғар иштаҳа.

Мақтаяпти демаглар дарров,
Қилиб берай Сизга бир палов.
Асрагандим илик ёғидан,
Қолдирмайин ёғнинг доғидан —
Пишгач сузай ойдай лаганда
Енг шимариб бир-бир олганда —
Мазасини аста тотарсиз,
Ёқсагина раҳмат айтарсиз.

Агар ошпаз бўлса пазанда, ..
Эҳ, нималар пишмас қозонда.



СЛЕСАРУ СЛЕСАРЬ СҮЗНИ ҲАМ АНИҚ КЕСАР

Слесарлик,
Деярлик,
Аслида турли бўлар.
Санасам анча улар,
Ремонтчи, асбобсози,
Деталчиси — энг сози.
— Усса ҳамки техника
Қўл иши керак нега, —
Дея ўйловчилар бор.
Бу гап ноўрин зинҳор
Заводларнинг ичида
Темирчилик ишида
Нозик деталлар учрар,
Зарур унга слесарь.
Бор менинг ҳам дастгоҳим
Озода турар доим.
Болға, эгов ва арра,
Зарур биринчи карра.
Мен учун қаттиқ темир,
Мисоли юмшоқ хамир.
Баъзиларга бу ҳунар
Четдан осон кўринар,
Жиндаккина ортиқ, кам
Хато бўлар жудаям.
Қирқ ўлчаб бир кесмоқлик,
Слесарликка боғлиқ.
Нурдай тиниқлик керак,
Нозик аниқлик керак.
Керак деб бу хил деталь

Инженер таклиф этар.
Дастгоҳим тишлаб турар,
Қўлларим ишлаб турар,
Қарабсизки охири,
Тайёрдир деталь бири.

Мен ясаган деталдан
Машина юрса илдам,
Ҳунаримдан хурсандман,
Хурсандман, ишга бандман.

Огоҳ қилай бир сирдан,
Кеча мен-чи, темирдан
Ясаб қўйдим «5» рақам.
Бешчиларга дил совғам.
Ниятим шу: бундай «5»
Ҳаммага ҳам бўлсин эш.

ТИНГЛАШДИ СОТУВЧИ ГАПИНИ УЙЛАР У ХАРИДОР НАФИНИ

Гапирсам гап сотди демангиз,
Харидор эрурсиз ҳаммангиз.
Чақингиз гапимнинг таг-мағзин,
Осондай туюлар магазин.

Кун бўйи дўконда тураман,
У ёққа-бу ёққа юраман.
Бир ўзим тонналаб юк ташиб,
Бир неча чақирим йўл босиб —
Юргандай бўламан ҳар куни.
Тасаввур қилинг-а, сиз буни.

Харидор бўлганда юзма-юз,
Одатдир айтмоқлик ширинсўз.
Бир мисол: келганда харидор.
Бир кило қанд учун неча бор —
Ҳаракат қиламан атайлаб,
Харидин тутаман авайлаб.
Қарайман харидор кўнглига,
Қайтимин бераман қўлига.

Учрайди ҳар турли харидор,
Ширинсўз, ёқимтой, беғубор.
Улардан тикланиб қаддимиз,
Севинчга тўлади қалбимиз.

Харидор учрайди баъзида,
Қўпол-ки, чақади оғзида.

Не берсанг ёқмайди унга ҳеч,
Нолийди бесабаб эрта-кеч.
Хизматни олмасдан ҳисобга,
Шикоят ёзади китобга.
Бир кило ширинлик олади,
Заҳари дўконда қолади.

Ширинсўз сотилмас, бебаҳо,
Яхшилик бор бўлсин доимо.
Бу ерда бўлолса ким мамнун,
Энг олий мукофот бизлар-чун.
Магазин номи ҳам «Марҳамат»
Келинглар, марҳамат, марҳамат.



НОНВОЙ ҰЗ НОНИДАН СҰЗЛАР ДИЛ-ЖОНИДАН

Нон жуда табаррук,
Таомдир энг суюк.
Нон сўзи энг азиз,
Нон ўзи энг лазиз.
Нон ясаб хамирдан
Пиширсам тандирда
Пўрсилдоқ иссиқ нон,
Кулчалар, —
Гулчалар
Есангиз ҳузуржон.
Тарқалса нон иси
Езилса дастурхон,
Тўқчилик белгиси.
Чиройдир унга нон.
Мезбоннинг юзидир,
Ҳурматнинг ўзидир.

Нон билан юрт обод,
Нон билан эллар шод.
Ухшайди нон гулга
Тегмас ҳеч кўнгилга,
Шундай дер устозлар:
Нон азиз — нон ҳалол,
Нонни ким эъзозлар,
Иссиқдир ранг-рўйи
Баланддир обрўйи.
Нонни ким этса хор,

Нонга у бўлар зор.
Ноннинг бир увоғи,
Гўё кўз қароғи.
Нон азиз— нон ҳалол,
Бўлмасин ҳеч увол.

Бу касбни севдим мен,
Қадрини сездим мен,
Ҳар тонг нон ёпурман,
Ризқу бахт топурман.

ГАПИГА БОҒЛАБ ҚАНОТ УЧУВЧИ ГАПИРДИ ШОД

Уста эмасман сўзга,
Осмоннинг гашти ўзга.
Чиқиб булут устига
Тўйиб осмон ҳуснига,
Самолётим ҳайдайман,
Гўёки сайр айлайман.

Кўк сари учган чоғим,
Кенгайгандай қучоғим,
Юрагим чапак чалар,
Севинаман қанчалар.
Юрсам қайси ёғида,
Кезгандайман боғида,
Бор ўзича кўчаси,
Айниқсанги кечаси
Юлдуз гул очилгандай,
Чироқлар осилгандай
Йўлимга сочилар нур,
Кўнглимда ҳузур, ғурур.
Мақсадни жойлаб дилга,
Интиламан манзилга.
Айтсам гапнинг бу ёғин
Одамларнинг узоғин —
Яқин қилиш аҳдимдир
Учувчилик бахтимдир.

Мен учун баланд осмон
Ерда юришдан осон.
Буни қаранглар, буни
Москвага ҳар куни

Ғизза бориб келаман,
Овоздай тез еламан.
Самолётим каптарим,
Осмон занғор дафтарим.
Қанот билан ёзаман.
Ҳар доим парвоздаман.
Моторим сайратаман,
Қўк бўйлаб сайр этаман.

«Учувчи бўлиш мушкул»,
Дея ўйлардим нуқул.
Орзу бўлса қай хилда
Қизиқиш бўлса дилда,
Ахир амалга ошар.
Баъзилар эса шошар...
Бўлайин деб билағон
Мен шошмадим ҳеч қачон.
Ўқидим, таълим олдим,
Истагимга етолдим.
Устоз қадрини билдим,
Қўк сари кўтарилдим.

**ҒИШТ ТЕРУВЧИ ТЕРГАНДА
СУЗНИ
ҚОЙИЛ ҚИЛДИ СИЗНИ ВА БИЗНИ**

Шуни айтар биринчи галда,
Ҳар ҳунарни ёшлик маҳалда
Ўрганилса бўлар экан соз,
Чин меҳрибон бўлганда устоз.

Шохдан-шоҳга кўчгандай читтак,
Қийинчилик учраса қиттак, —
Бирин ташлаб бошқага кўчмоқ,
Билишимча, зарари кўпроқ.
Ишлай берса севган ҳунарда
Завқ топасан бир кун улардан.
Биттасини ўрганиб чала,
Бошқасига қилсанг ҳафсала,
Вақтинг ўтиб кетади кучинг,
Танишларинг қилади пичинг.

Қаранг, касбим ғишт терувчилик,
Бунга зарур уқув, эпчиллик.
Ғишт терганман талай бинога,
Мактабларга, боғча, кинога.
Ҳар ишда машқ зарур доимо,
Ўйлаганча чиқмайди гоҳо.
Қийшиқ чиқиб қолади девор,
Бу ўзингга туюлади ор.
Охир бир кун тушасан йўлга,
Ишинг ўхшар очилган гулга.
Тушган чоғим ҳар кун ишга
Разм солиб қўяман ғиштга,
Қарагандай ғиштлар кўнглимга

Чиқиб олар ўзи қўлимга,
Эркалаган каби яхшилаб
Ен-берини оҳишта ишлаб
Қаторига қўяман бир-бир.
Машқу ўқув энг асосий сир.
Қўйган чоғим бир гишт албатта,
Мен бўламан яхши ниятда.
Яшовчилар яйраб яшаса,
Уларга ҳам, менга ҳам маза.
Кўнглим бўлар мисоли баҳор,
Менинг учун бу олий баҳо.

Баъзилар-чи, гишт терувчилик,
Дейишади, бир тирикчилик,
Ҳунар завқин сезишмас сира,
Ундайларнинг дил кўзи хира.

Биоларим ёнидан ўтсам,
Севинаман жуда-жудаям
Меҳнатимга қўйилган ҳайкал
Деб қўяман ўзимча ҳар гал.



АНДОЗАДАН ЧИҚМАЙИН БИЧИҚЧИ СЎЗЛАР МАЙИН

Нима дей, энг биринчи?
Асл касбим бичиқчи.
Ҳар кийимнинг бичиғи
Келса создир, очиги.

Бошқа касблар мисоли,
Бордир илми-аъмоли.
Ўлчаб қадду-бўйингиз
Қўлингиз-у, бўйингиз —
Размер олмоқлик керак.
Бу ишдан кейин, демак —
Ҳисоблаб чиқиб роса —
Ясалади андоза.

Андоза яхши чиқса
Тикувчига айниқса
Осон-у, қулай бўлар,
Барчанинг кўнгли тўлар.
Чиқиндига чиқармай
Бичишга интиламан.
Чин дилдан бошқалардай
Касбим ҳурмат қиламан.

Касбим илмин ичишга
Қулай ва мос бичишга —
Ҳар доим уринаман,
Янгилик ўрганаман.

Болаларнинг устида
Қийим турса ярашиб,
Эҳ, баъзилар яйрашиб
Қарашади ҳуснига.
Бичиғи келибди деб
Сўзга беришганда зеб, —
Тўлқинланиб ичимдан
Шод бўламан ишимдан.



ЭКСКАВАТОРЧИ ТУХТАБ АЙТМОҚЧИ ОЗГИНА ГАП

Қаранг, экскаватор
Ер бағрин ковлаётир.
Жуда ҳам зўр-да, кучи,
Хартумида чўмичи.
Ўзи темир аждардай,
Ковлаган ери жардай.
«Хап» этиб ерни тишлаб,
Тупрок олар ҳовучлаб.
Ҳамма ёқ кетар чангиб,
Баъзилар қолар гангиб.

Биринчи кўриб қадим,
Роса ҳайрон қолгандим.
Шогирд тушдим энг олдин.
Ўрганишга йўл олдим.
Сизга айтайин ростим,
Ошиб борди ихлосим,
Ҳайдаш эди чин орзум.
Ўргандим энди ўзим.
Ҳозир хўп ишлатаман,
Самандай кишнатаман.

Иш унса ҳам мўл унар,
Доим менга бўйсунар.
Бир нарсани мен атай,
Сизларга ҳам эслатай
Бизнинг экскаватор
Қаранг-а қандайин зўр.
Гўё қилгандай пойга

Етиб боролди ойга.
Сунъий йўлдош ичида
У темир ҳовучида
Ойдан тупроқ қазиди,
Таҳсинларга арзиди.

Ҳар қанча ҳам бўлса зўр,
Бошқараман баҳузур,
Жилови ўз қўлимда,
Юрар доим йўлимга.



ҚОЙИЛ ҚИЛДИ ЖУДАЯМ РОЛИНИ АРТИСТ АҚАМ

Санъат ажойиб соҳа,
Санъаткор учун саҳна -
Мисоли оҳанрабо,
Тортиб турар доимо.

Саҳна иккинчи уйим,
Кулдиради орзуим.
Кўпдан ишлаб ТЮЗда,
Роль ўйнадим нақ юзта.

Ўзингиз ўйланг ахир,
Артистлик ҳам кўп оғир.
Гоҳ бўламан қаҳрамон,
Гоҳида оддий деҳқон.
Баъзан-чи, ёш бўламан,
Амалдор, бош бўламан.
Соқол қўйиб
Бемалол.
Бўламан гоҳида чол.
Тушганидан бўйинга
Гоҳ тушаман ўйинга.

Берилиб ролга кирсам,
Сиздан яқин дўстлар ҳам
Баъзида танимайсиз,
Мени артист демайсиз.
Ролга кириб астойдил,
Образни қилсам қойил,
Қарасам гоҳ маҳалда

Қарсак гуриллар залда.
Шундайдир орзу — режам,
Сизни хурсанд қилолсам,
Қўп бахтиёр бўлардим,
Қувончларга тўлардим.

Бир ўйим бордир, аммо
Қалбимдадир доимо:
Ёмон бола ролида
Сираям ўйнамасам.
Ёмон бола тилидан
Сираям сўйламасам.
Яхшиларни ўйласам,
Яхши ролни ўйнасам.



ШОФЁР СЎЙЛАР ЙЎЛНИ УЙЛАР

Мен шофёрман,
Кўп шоширманг.
Сўзим рулин,
Топсин дилим.
Яхши ўйлай,
Кейин сўйлай.

Бўлмоқ огоҳ,
Менга ҳамроҳ
Чиқсам йўлга —
Ўннга-сўлга
Солмоқ назар
Одат азал.
Йўл қоида —
Шундоқ фойда.
Доимо ул, —
Дер, ҳушёр бўл.
Машинам МАЗ —
Ҳеч чарчамас,
Девдек келар,
Елдай елар.
Жудаям зўр

Кучда машҳур,
Ўн тонналаб,
Хоҳ эрталаб,
Хоҳ оқшомда
Бир маромда
Юк ташийман,
Кўп шошмайман.

Тошкентимни
Қайта қуриш —
Ишига, денг,
Қўшдим улуш.

Ўн беш йилким,
Ошган балким...
Шофёр бўлиб
Кўнгил тўлиб,
Йўллар ошиб
Юклар ташиб, —
Ишляпман,
Ишляпман.

КОМПОЗИТОР — БАСТАКОР ГАПИ АНЧА ОҲАНГДОР

Ҳар бир қўшиқ-ашула,
Яратилмас бир йўла.
Шоир шеър ёзиб берар,
Сўз боғидан гул терар.

Шеърни ўқиб чиқаман,
Мағзи-мағзин чақаман.
Илҳом билан суриб ўй, —
Излайман ёқимли куй.
Ёзаман, ўчираман,
Нотага кўчираман.
Аста айтиб кўраман,
Ижод гаштин сураман.
Аллаларми кўнгилни,
Очилтирарми гулни?
Дилда завқ уйғотарми,
Яйраб қулоч отарми?

Қўшиқ ижод қилмоқлик, —
Дерлар талантга боғлиқ.
Лекин талантнинг ўзи
Очарми ижод кўзин?
Ўқиш, ўрганиш керак,
Чарчаш, ўртаниш керак,
Гоҳо ижод завқида
Кечиш мумкин уйқудан,
Устозлар шундай қилган
Улар билгани билган.
Эл дилини билганлар,

Чўққига интилганлар,
Улар деганлар, қўшиқ —
Кўнгил учун зўр озиқ.
Пиширса меҳнат, илҳом
Озиқ ҳеч бўлмайди хом.
Илҳом билан сизларга,
Ўғилларга, қизларга
Доим шўх қўшиқ битсам,
Тилингиздан эшитсам,
Жуда яйраб кетарман.
Яна куйлар битарман.


ЭШИТАЙЛИК НИМА ДЕР АНАВИ БОШ БУХГАЛТЕР

Ҳар нарсанинг бордир китоби,
Ҳар бир ишнинг режа, ҳисоби.
Ишхонада очигин десак,
Бухгалтерлик ҳавадек керак.
Ҳисоб-китоб бўлмаган жойда,
Ҳар қандай иш бўлар бефойда.
Идорада меҳнат, ҳаракат.
Қирим-чиқим, турли харажат,
Қанча бўлди эл учун бойлик,
Қимга қанча маошу ойлик,
Қанча қарз-у, қанчадир фойда,
Не иш бўлди ҳафтада, ойда,
Ҳаммасига қотираман бош,
Рақамларим эса кўзу қош.

Бироқ рақам кетса адашиб
Топиш қийин бўлар бош қашиб,
Бир-бирини доимо қўллар,
Зўр иш қилар ҳаттоки ноллар.
Бўлиб қолса масала чигал,
Рақамларим қилиб берар ҳал.
Рақамларни севаман ҳаддан,
Барчасини биламан ёддан.
Рақамларга бундай қарасам,
Уйлаб қараб савол сўрасам,
Ютуқлардан беришар жавоб.
Қоғоз узра қўнган рақамлар,
Рақам эмас,— жонли қадамлар

Ошган бўлиб планлар юздан
Қувонч тарқар юздан ва кўздан.

Мен сўзладим касбу ишимдан,
Юракдаги ўз севинчимдан,
Отамлар ҳам бухгалтер эди,
Шу йўлданман ўзим ҳам энди.



РАҚҚОСА АВВАЛО УИНАДИ УИНАДИ ВА ОЗРОҚ СУЙЛАДИ

Саҳнага чиқаман шайланиб,
Уйнайман айланиб-айланиб.
Саҳна бу мисоли кенг олам,
Саҳна бу даргоҳим, ишхонам.

Ҳар куни аниқ бир соатда,
Машқ қилиб тураман одатда.
Уйиннинг сапоғи, сўзи бор,
Саҳнанинг ўз йўли — изи бор.
Урганиб устозлар қўлида,
Бахт топдим санъатнинг йўлида.
Бахтни эл қарзи деб ўйлайман,
Шу бахтим завқидан ўйнайман.

Уйнайман одобу ибода,
Завқимни қиламан ифода.
Қилганим ҳар битта ҳаракат
Маънога эгадир ҳамма вақт.
Уйинда гоҳ парвоз этаман,
Қалбимдан тўлганиб кетаман.
Гоҳида ўйнайман гул бўлиб,
Гоҳида ўйнайман тўкилиб...
Гоҳ меҳнат завқига қонаман,
Баъзида ўртаниб ёнаман.
Гоҳ чўпон бўламан яйловда,
Баъзан жанг қиламан оловда.
Гоҳида боғларга кираман,
Гоҳида «оқ олтин» тераман.
Созанда куйида оқаман,

Сизлардан ўргилиб боқаман.
Таъзимда тураман букилиб,
Қарсақлар чалсангиз ўргилиб,—
Мен учун шириндир бундай вақт
Мен учун тухфадир бундай бахт.
Рақсимиз танитган оламга
Қойилман Мукаррам опамга,
Мукаррам опамлар изидан
Юрувчи мен «Баҳор» қизиман.

Сизларга қолганман бойланиб,
Саҳнадан кетмайман айланиб.
Шу йўлда сизларни этсам шод,
Миннатдор бўларман умрбод.



МОНТЁР СУЗ БОШЛАНГАН ЧОК РАВШАН БУЛДИ ҲАММАЁҚ

Монтёрликни баъзилар
Жуда осон деб билар.

Электр ток жуда зўр,
Равшанроқ билиш зарур.
Қандан қайга кетган сим,
Қани айтиб берар ким, —
Плюс, минус қай бири?
Бор эрур талай сири.

Электр сим — нур дарё,
Сувдан олинган зиё.
Днепр ГЭСга ҳамон,
Қойилдир нурли жаҳон.
Қуёшга тенг келгудек —
ГЭСлар кўп Фарҳод, Нурек.
Электр нурмас фақат,
Битмас-туганмас қудрат.
Шундай зўр экан, демак,
Ҳар доим монтёр керак.
Гоҳ чироқ ўчиб қолса,
Мени излашар роса.
Дарров уни ёқаман,
Хизматимдан ёқаман.
Кўчага ёқсам чироқ
Тун кундуздай ярқироқ.
Кўриниб турар йўллар,
Равшан бўлади кўнгиллар.
Кимки сайр этса оқшом

Нурдан олади ором,
Йўлкалару хиёбон —
Гўё гулзор зиёдан.
Лампочкаларга қаранг,
Товланади ранг-баранг,
Ердаги гуллар гўё
Тунда сочарлар зиё.

Учрайди баъзи бола,
Хулқида бўлар ола:
Ўзин мерган деб эпчил
Чироқни қилар чил-чил.
Қоронғида ким билар,
Аввал ўзи йиқилар.
Балки қора бўлган-чун
Кундузни қилади тун.



ЗАВОДДАН КЕЛГАН ТОКАРЬ КЎНГЛИДА БОРИН ТЎҚАР

Заводда мен токарман,
Шу йўлда тер тўкарман.

Техник билим юртида
Қунт-ла ўқиб юрдим-да,
Ўргандим ҳунар, билим,
Шу ишга оғди дилим.
Мастерим ўргатгандай
Ишим кетмоқда қантдай.

Терим машинаси-чун
Шпиндель ясаб ҳар кун
Мастеримга кўрсатсам,
Хурсанд бўлган-да, у ҳам, —
Шунда сизмай теримга,
Боқаман ёнверимга.

Станогим жийроним,
Мотор — тили бийроним.
Ўз қўлимда сайрайди,
Деталларни қайрайди.
Моторим гурилласа,
Нечун қувонмай роса?

Яқинда учта токарь
«Ким экан уста токарь?»
Деб ўтказдик конкурс.
Натижа бўлди дуруст,
Чиққан эдим мен голиб,

Қўлимни қўлга олиб —
Мастерим энг биринчи
Изҳор этди севинчин.
Гўё ўзи ютгандай
Мендан шуни кутгандай
Қўкка етдими боши,
Қўзида қувонч ёши.
Мамнун бўлгани устоз,
Минг бор ютуғдан ҳам соз.
Табриклашди атайин,
Қай тил билан айтайин?



МУҚОВАСОЗ СУҲБАТИ СОЗ

Муқовалар қопланади
Ҳар китобга атайлаб,
Ичи тўла илму фан бор,
Сақлаш керак авайлаб.
Юқмайди гард китобдаги
Варақларнинг барига —
Қанот бўлиб босиб турар
Мазмунларни бағрига.
Муқовалаш ҳунари ҳам
Ишларнинг энг қийини,
Муқовалар китобларнинг
Устидаги кийими.
Қийимига картон қоғоз,
Талай елим кетади.
Мен ясаган муқовалар
Қўп йилларга етади.

Энг яхшиси бориб кўринг
Муқовалаш цехимиз.
Балки менинг ҳунаримга
Тушиб қолар меҳрингиз.
Жавонларда турса китоб,
Нақ чиройи очилиб,
Мени ўқи деб қараса,
Завқингизни ошириб
Муқовасоз ким экан деб,
Уни сўраб қоласиз.
Ўқимоқчи бўласиз-да,
Аста қўлга оласиз.

Ана шундай китобларда
Бордир менинг улушим.
Ўзимга ҳам ёқар доим
Бу ҳунарим — бу ишим,
Лекин баъзи болалардан
Дилим ранжиб кетади:
Китобини йиртади-да,
Гоҳ ҳар томон отади...
Китобнинг ниҳолдайин
Белларини эгади,
Бу қилиқлар айниқса-чи,
Менга оғир тегади.
Қийшайгандай бўлар шунда
Гўё менинг қовурғам,
Мана бундай қилиқлардан
Ташвишланар бошқа ҳам.



КЕЛДИ ГАПНИНГ ХОНАСИ НЕ ДЕР КУТУБХОНАЧИ

Кутубхона — хазина,
Жавонлар эса зина,
Фаннинг чўққиси томон
Олиб чиқади осон.

Кутубхона улуғи
Жаҳон кетган доврўғи —
Ленин кутубхонаси.
Китоблар дурдонаси —
Бу ерга бўлгандай жам,
Ҳатто Ленин бобом ҳам
Кўзларидан тўкиб нур, —
Терганлар жавоҳир, дур.
Билсангиз кутубхона
Табаррук жой ягона.
Кутубхонам батартиб
Чангин қўяман артиб.
Китоблар ўз жойида,
Бу энг зарур қоида.
Китобларнинг минг тури,
Энг қизиғи, машҳури
Бизнинг кутубхонада.
Айтай шу баҳонада —
Кўнгилдаги гапимни,
Қизиқтирар ҳар кимни.
Қандай китоб ўқишин,
Дилидаги хоҳишин
Сўрашга баъзи бола
Қилади истиҳола.

Улар кўнглин биламан,
Китоб таклиф қиламан.
Ўқиб чиқишгач улар,
Таклифдан мамнун бўлар.
Баъзиси бўлар шундай,
Қайтиб берар ўқинмай.
Гоҳо қилмай ҳафсала,
Ўқишар ярим-чала.
Баъзиси келмас, лекин.
Ўқиш бўлсада текин.
Ўқувчи бор баъзи хил
Шошгандай апил-тапил
Фақат ўқир дарсини,
Ўтагандай қарзини.
Кутубхона борлигин,
Кутубхона бойлигин —
Тамомила билмайди,
Ё назарга илмайди.
Қимки илмин бойитса,
Яхши-да, олға кетса.
Китобни қўлдан қўймай,
Ўқий берса ҳеч тўймай,
Ёзса авторга хатлар,
Гоҳ олса маслаҳатлар,
Яна китоб устида
Сўзлаб берса дўстига,
«Сен ҳам ўқиб чиқ» деса,
Яхши одат бу эса,
Ҳар китоб шу усулда
Ўтса соз қўлдан-қўлга,
Ким китобга бўлса дўст
Унда бўлмас каму кўст.
Китобхонга албатта,
Хизматдаман, хизматда.

ҚУЛИДА ҚОЛИП-НУСХА СЎЗ АЙТАР ГАНЧҚОР УСТА

Санъат, ҳунар эгизак
Бири-бирига безак.
Камчилигин тўлдиарар
Жило берар кулдиарар.
Ҳунарда санъат бўлса,
Нафосат сифат бўлса,
Кулар барча орзулар,
Гўё бахтга бахт улар.

Оддий ганчкорлик сирин
Ургандим бирин-бирин,
Ганчдан гуллар қўяман,
Деворларга қўяман.
Гули-гулга уланиб,
Кўринар жилоланиб.
Ганчдан бўлган ҳар бир нақш,
Кўзларга завқ этар бахш.

Келтирсам сизга мисол
Яхши бўлар эҳтимол;
Тошкент Ленин музейин
Нақшин не деб мақтайин,
Навоий театрин —
Кўрсангиз, ганчкор сеҳрин
Пайқайсиз секин-ақта
Лол қоласиз ҳавасда.
Бобомиз Уста Ширин
Очганлар ганчлар сирин
Устозим Маҳмуд уста

Санъаткор бу хусусда,
Йўқ унақа моҳири,
Ганчкорларнинг шоири
Бу ҳунардан лауреат —
Бўлганлар-а, қандай бахт!
Шогирд бўлганлигимдан,
Фахр эгаман дилимдан.
Бир умр устозимга
Доим шайман таъзимга.

Бирдан кейин, ё олдин,
Уста деган ном олдим.
Тишлайин бахтим нонин,
Оқлайин уста номин.

Янги нақшлар ясайин,
Ҳунаримда яшайин.

САРТАРОШ ҲАМ СУЗ БОШЛАР ЧИМРИЛГАН КЎЗУ ҚОШЛАР

Ишимдан десам бир оз,
Бошга бераман пардоз.
Бош азиз-у, ягона,
Кулган бахту пешана.
У — ақлнинг хонаси,
Бошқарувчи онаси.

Бошни авайлаш керак,
Сочни тарашлаш керак.
Сартарошлик заб ҳунар,
Хизматинг тез кўринар.
Келган маҳал мижозим,
Кутиб олмоғим лозим.
Ишга киришдан аввал,
Сўрайман ҳол-у, аҳвол.
Сочни текислаб, тараб,
Қўяман зимдан қараб;
Нуқсонни бўлса хиёл,
Тузатаман-да, дарҳол, —
Дейман: — «Маъзур кўрсинлар.
Яна келиб турсинлар».

Ҳузуримга келган зот
Хунаримдан бўлиб шод,
Очилиб юзи-кўзи
Анча яшарар ўзи.
Ҳайронман баъзи ёшга,
Эътибор бермас бошга.
Соч роса ўсиб кетган,

Бетартиб тўзиб кетган.
Ухшаб қолган қарига,
Қочар кўплар нарига.
Гўё чет элчасига
Соч тушган елкасига.
Ундай бошларга бироқ
Тегмаган асло тароқ.

Шу билан хулласкалом,
Сўзимни қилай тамом,
Омон бўлсин бошингиз,
Ҳусн бўлсин сочингиз.

ДИЛНИ ДИЛГА ЭТИБ ПАЙВАНД ПАЙВАНДЛОВЧИ МАМНУН, ХУРСАНД

Мен электр пайвандчиман,
Бу ҳунар ҳам завқли чиндан.

Ўсиб кетди фан-техника,
Етмоқдамиз тег-тегига.
Билай деса кўп сирларни
Билар экан ҳар бир инсон.
Темирларга темирларни
Пайванд қилиш эмас осон, —
Деб ўйлардим олдин-олдин,
Шогирд тушдим, билиб олдим.

Бир йўсинда ёзу қишда
Мен ишлайман қурилишда,
Биноларни тиклаш учун
Керак темир, бетон устун,
Бир-бирига қўйсам улаб,
Умр бўйи кетмас қулаб,
Баъзилар-чи, ҳавозада, —
Ишлаш дерлар кўп маза-да.
Бу иш асли анча оғир
Бўлмоқ керак ботир, моҳир.

Синаб кўрдик космосда ҳам,
Пайвандимиз тутди маҳкам.
Кемаларни стикопка
Қилингани маълум кўпга.
Гапни сизга десам қисқа,
Кўп бинога қўшдим ҳисса,

Зилзилага берар бардош,
Бундай бино бўлмай одош —
Қарабсизки неча авлод —
Бежавотир яшайди шод.
Яшаганлар бу уйларда,
Раҳмат деса бирор марта
Дилларига дилим пайванд,
Бўлгандайин эдим хурсанд.



АЙТИБ УТДИ УЗ БУРЧИН ЧАҚҚОН УТ УЧИРУВЧИ

Яхши нарса ўт — олов,
Пишади нону палов.
Лекин олов
Баъзан — ёв...
Ўзига қўйсанг нуқул
Гулларни ҳам этар кул.
Сочади у
Гоҳ ёғду.
Бўлса олов юракда,
Эҳ, бу жуда керак-да.
Ҳар ишда келади қўл,
Очилар толега йўл.

Оловни бир хил бола
Билади чала-ола.
Гоҳо гугурт ўйнаса
Иши бўлар бемаза.
Сўнг ўйиндан чиқиб ўт
Ҳар ёнга солар човут.
Ўзига қўйсанг агар
Гўё қутурган аждар
Қўринганни ютади,
Ҳар томонни тутади.
Ўтга ўт юрак билан
Ҳамла қилурмиз бирдан.
Ёнгиндек зўр чиқамиз,
Уни тезда йиқамиз.

Эшитинг, ўғил қизлар,
Жудаям яхшисизлар,
«Ўйнаманглар ўт билан,
Ўйнаманг гугурт билан».
Деган гапларни эсланг,
Бошқача ўйин изланг.
Тағин бир сўз бор сизга
Тушурай эсингизга.
Ёнғин чиқса-чи, агар,
«0 1»га қилса хабар,
У бола мард бўлади,
Қўпнинг кўнгли тўлади.
Тилаги омонликдир,
Иши қаҳрамонликдир.



ҚАРАНГ-А ПОЧТАЛЬОН УҚТИРДИ БИЙРОН-БИЙРОН

Сумкам росаям бўлиқ,
Газета, хатга тўлиқ.

Велосипедим тайин,
Сумкамни ортиб доим.
Кўчама-кўча ҳайдаб,
Болаларни ҳай-ҳайлаб,
Ҳаммани шод этаман,
Яхши хабар элтаман.

Ҳар эшик, ҳар дарвоза,
Менга танишдир роса.
Кутиб олар баъзилар,
Қелиш вақтимни билар.
Югуришиб ёнимда
Оро кирар жонимга.
Уйдан — уйга киришар,
Хат, журнал топширишар.

«Гулхан» деган кўчам бор,
Берганмисиз эътибор:
Ўттиз олтига бола
«Гулхан» журнали олар.
Аммо битта бола-чи,
Ёлғон эмас гапим чин,
Ўнтадан кўп газета
Олиб турар баъзида.
Ҳаммасин бир-бир ўқир,
Росаям зеҳни ўткир.

Чарчасам гоҳи маҳал
Келтириб газет, журнал
Суҳбат қилиб қоламан,
Янгиликлар оламан.

Унинг акси бола бор,
Ўтирар доим бекор.
Роса ялқов ҳозирдан
На бирон газет олар,
Эшитган ҳайрон қолар.
Ундай кўчадан асло
Ўтгим келмас мутлақо.

БҮЁҚЧИ ҲАМ ҚИЗАРИБ ХИЁЛ ГАПИРГАНДА ҲАММА ҚОЛДИ ЛОЛ

Ким ўз касбин ўтаса ҳалол
Кулиб турар унга бахт иқбол,
Бўёқчилик рассомлик каби,
Кўпдир унинг шарту талаби.

Доим зарур бўлгандай ўқув,
Қобилият энг зарури у,
Ота касбин ёшликдан севдим,
Сирларини ўргандим, сездим.
Энг биринчи ўрганди қўлим,
Қўлим билан бирлашди кўнглим.
Ҳар бир уйнинг чиқишини гўзал,
Кўз ўнгимда кўраман аввал.
Бўёқларни бўёққа қориб,
Бир ажойиб бўёқ чиқариб,
Хоналарни бўяйман аста,
Боқса дейман кўзлар ҳавасда.
Хона равшан ҳатто бечироқ,
Ишлатилса очикроқ бўёқ,
Гоҳ чизаман шифтга нақш-у, гул,
Завқ уйғотса лейман-да, нуқул.
Ранглар рангга қуюлиб турса,
Ҳар бир гули минг кулиб турса,
Рангларнинг ўз фарқи, тури бор,
Фазилати, ўрни, нури бор.
Бўяшда ҳам бор дерлар бўяш,
Бўёқлардан ясалса қуёш,
Ишлатилса нафис, беғубор,
Кезгандайдир хонада баҳор.

Ўз ишимдан завқ олсам ўзим,
Ёруғ бўлса эл ичра юзим,
Кўчираман юрагим нақшин,
Етар менга эл деса таҳсин.
Наққошликнинг зўрлиги шунда,
Эслайдилар номини кунда.

АГРОНОМ ГҮЁ ТАБИБ ФИКРИН АЙТДИ УХШАТИБ

Дил сўзим демоқчиман,
Ўсимлик врачиман.
Ҳар бир ўсимлик — ниҳол
Яшайди инсон мисол.
Гўёки жони бордай,
Ақли, виждони бордай.
Мақсади — тилаги бор,
Уруғи — юраги бор.
Унда бор десам томир;
Тўғри келади таъбир.

Ўсимлик қизиқ ўзи,
Қуёшга боқар кўзи,
Томиридан олар сув
Озиқ талаб қилар у.
Шохларин дейсиз қўли,
Фарзанд — меваси-гули.
Уларга қараш керак,
Кунига яраш керак.

Ўсимлик инсон учун
Зарур эрта-ю кечин.
Барги тозалар ҳаво,
Меваси озиқ, даво.

Демак ҳар бир ўсимлик
Ишлар, яшар ўзимдек.
Ўсимлик ҳам баъзида
Қасалликка чалинар,

Тузат деган тарзида
Врачларга ялинар.
Гоҳ ҳашарот солар чанг,
Бўлиб қолар ҳоли танг.
Баъзан беролмай ҳосил,
Ё кўнгли бўлар хижил,
Гоҳ эсса ноҳуш шамол,
Бўлиб қолар бемажол...
Барглари сўлиб қолар,
Бағри тўкилиб қолар.
Шунақа оғир дамда
Шайман шифо-ёрдамга.

Кенгдир ўсимлик илми,
Қирққа ёргандай қилни,—
Урганиш эмас осон,
Лекин интилса инсон
Мақсадига етаркан,
Элга хизмат этаркан.

КОРРЕКТОРНИНГ СЎЗИДА ҲАТТО СЕЗИЛМАДИ БИРОРТА ХАТО

Корректор деб осондир айтиш,
Аслида-чи, жуда инжиқ иш.
Билиш керак сўзлар имлосин,
Чақиш керак маъзу маъносин.
Тўғри маъно чиқсин деб гапда,
Ҳар бир ҳарф туради сафда.
Ҳарфлар-чи, сўздаги аскар,
Тартиб зарур аскарга аксар.
Мен сўзларга бўлиб командир,
Текшираман уларни бир-бир,
Ҳар бир ҳарф бўлса жойида
Бузилмайди мазмун-қоида.
Гар биттаси қочса ўрнидан
Келтираман тартиб бурнидан.

Ўқиётиб ажойиб китоб
Бирдан бўлар ўқувчи хуноб.
Агарда ким еган чоғда ош,
Орасидан чиқса бирор тош
Иштаҳангиз қочади дарҳол,
Хатолар ҳам бу ҳолга мисол.

Ўз ўрнида турмаса вергул,
Гап маъноси бўлади кул-кул.
Ҳар бир ундов, савол ва нуқта,
Фикрларни етказар пухта.
Шунинг учун кўз нурин тўкиб,
Барча сўзни синчиклаб ўқиб,—

Ҳунаримдир хато тузатмоқ,
Ҳарфларнинг ишин кузатмоқ.

Гоҳ китобда учраса хато
Қочолмайман мен ундаи ҳатто.
Сира қаттиқ ботмас кўнглимга,
Олажакман уни бўйнимга.
Китобларнинг ичида доим
Қўйилади менинг имзойим



**АСТРОНОМ-МУНАЖЖИМ
ФИКРИН БАРЧА
ТИНГЛАР ЖИМ**

Юлдузларни мен кўпдан
Ургандим телескопдан.
Тунда боқсам осмонга,
Ухшар ажиб бўстонга.
Кўк сирли ва маънодор,
Ўз кўчаси, боғи бор.
Юлдузларнинг кўзига, —
Боқсам тортар ўзига.
Хаёлимда — чамамда
Сайр этаман чаманда.
Юлдузлар гул кўрсатар.
Келгин деб йўл кўрсатар.
Етти оғайни ботир
Бизларни кутаётир.
Эрта тонг Зухро юлдуз
Демоқчи қандайдир сўз.
(Элимга тикади кўз.)

Баъзида кометалар,
Баъзида ракеталар
Нурдай учиб ўтишар,
Қайгадир бориб тушар.
Гоҳ кўкка қараб туриб
Қолсам-чи, хаёл суриб,
Ўтар Улуғбек бобом
«Ишимни эттир давом».
Дегандай бўлар эди,
Тарихин айтсам энди —
Улуғбек бобомлар ҳам

Осмон илмин росаям
Сув қилиб ичгандилар,
Янгилик очгандилар.

Шуни ҳам айтай аввал,
Тузганлар осмон жадвал.
Қурдилар расадхона
Осиёда ягона.
Қойил қолган кенг олам,
У бордир ҳозирда ҳам.
Устод бобом Улуғбек,
Улуғлардан улуғдек
Фанимизнинг кўкида
Тарихимиз кўркида
Юлдуз бўлиб қолганлар,
Юксакдан жой олганлар.

Хулласи, осмон фани
Қизиқтирар ҳаммани,
Ҳар битта юлдуз, офтоб
Ўрганиш учун китоб.

АТРОФГА БИР-БИР ҚАРАБ УҚТИРАР ФОТОГРАФ

Ўзимдан нима дейин,
Бу ҳақда айтиш қийин.
Фотограф бўлмоқлик
Нозик иш-да, нечоғлик.
Бу ишга қизиқардим,
Аппарат эди дардим.
Пионер саройида
Ишим бўлди жойида,
Фотографлик касбин
Шунда ўргандим асли.

Аппаратим қўлимда,
Мўлжалларим кўнглимда
Бўламан кўп тарафда,
Айниқса-чи, мактабда...
Янгиликлар излайман,
Яхшиликлар излайман.

Шундай менинг ниятим,
Ҳар бир фото-суратим
Ободликни кўрсатса,
Юрак завқи акс этса.
Фабрика, ўтлоқларни,
Пахтазор-у, боғларни,
Беш йилликда «5»ларни;
Кулгилар, олқишларнинг —
Туширсам суратини,
Оширсам суръатини.

Сира кўз ёш бўлмаса,
Ҳаммаёқ бўлса маза.
Қалбим апаратыга,
Кўнглимнинг қат-қатига
Болаларнинг кулганин,
Аҳил бўлиб юрганин
Суратларга туширсам,
Дўстлар завқин оширсам.

Дўстлар, ҳозир ҳаммангиз
Бир оз қимирламангиз.
Эсдалик сурат олай,
Керак бўлар, ҳар қалай.



ГАП ТАГИГА ЕТСАНГИЗ АГАР, ДИЛ ЭШИГИН ОЧДИ ДУРАДГОР

Бу хонанинг стол, стули,
Меҳнат билан ҳунар маҳсули
Хона ичра эшик, дераза,
Соз экан, дер кимки қараса.
Биз ўтирган айланма стол,
Ишлагандир бирор олтин қўл.
Устанинг ҳам бўлган устози,
Устозини этгандир рози.

Мен ҳам гоҳо бир ўйлаб кўрсам,
Устозимдан хурсандман-хурсанд.
Устозим кўп билимдон эди,
Қаттиқ қўл-у, меҳрибон эди.
Ўргатарди жуда майдалаб,
Ҳушёрликни этарди талаб.
Уқтирарди ҳар доим шундай:
— Энг аввало асбобни қил шай,
Ўзингимас асбобни сийла,
Ўрни келса сен уни сизла.
Сен ишлатган арра ва ранда,
Ялт-ялт этсин қўлга олганда...

Устознинг бу сўзи қоида,
Шунинг учун ишим жойида.

Ўттиз йилким эшик ясайман,
Эшикларда ўзим яшайман.
Зеҳним — ақлим бир ерга қўйиб,
Гул соламан ёғочни ўйиб,

Бамисоли гуллар имзойим,
Менлигимни эслатар доим.
Ҳар табақа эшик ҳаётда
Баъзан ўшар икки қанотга.
Меҳмон келса гоҳида эшик,
Қучоқ очар у ҳам одамдек.

Бир илтимос бор эди айтмай,
Фурсат излаб юрардим атай:
Баъзи бир хил болалар, қаранг,
Оёқ билан эшик очишар.
Шунда ўзим тутаман аранг,
Эҳ, юрагим роса ачишар...
Эшик ёғоч бўлса-да, гарчанд,
У мен учун мисоли фарзанд.

Мақсадимни айтсам очик:
Ундайларга эшиклар ёлиқ!



СОЗАНДА ЧАЛИБ ТОРИН ТУКДИ КЎНГИЛДА БОРИН

Дуторим тори таранг,
Юрагимга ҳамоҳанг.
Узи тутдан ясалган,
Садаф билан ясанган.

Бармоқларим агарда
Сакраса пардаларда
Оҳиста кирар тилга,
Оҳанг оқар кўнгилга.
Ҳузур-ором бахш этар,
Юракларга нақш битар.

Дутор чалишни қадим
Отамлардан ўргандим.
Тинмайин машқ қилганман,
Баъзида қийналганман.
Доимий машқим билан,
Қизиқиш ишқим билан
Билдим сиру асрорин,
Дилга уладим торин.

Мамнунман жуда-жуда,
Танилдим эл ичида.
Куй янграса — роҳатим,
Санъатим-саодатим.

Дуторим яқин дўстим,
Ешликдан бирга ўсдим.

Мен уни ардоқлайман,
Устоз сўзин оқлайман.
Туганмас куй булогим,
Гўё кўнгил чирогим.

Куйдан дил олса озиқ,
Тарқайди чарчоқ, ҳордиқ.
Улуғ орзу — ўйларим
Баён айлар куйларим.
Эшитган бўлса қойил
Севинардим астойдил.

**КЕНГ ЯҒРИНЛИ
БОТИР МАТРОС
ЭШИТАЙЛИК ЎЗИДАН СУЗ**

Очиғини десам сизга,
Қизиқардим сув — денгизга.
Дарёларга калла ташлаб,
Чўмилардим яйраб-яшнаб.
Матрос бўлсам қани эди.
Қарабсиз-ки, мана энди...
Қувончимдан гапираман,
Тўлқин уриб кўпираман.
Гоҳ денгизда сузганимда
Тўлқин белин узганимда,
Тўлқин урар қалбимда қон,
Кулган бўлиб ҳавас, армон.

Денгизнинг ўз гашти бордир,
Чаманзор-у, дашти бордир.
Сув сатҳига қаранг бир бор,
Дилда асло қолмас ғубор.
Тўлқинлари паға-паға,
Очилгандай оппоқ пахта.
Териб олай десам агар,
Бир зумдаёқ учар-қочар.

Сув ости ҳам
Ажиб олам.
Йўллари бор,
Гуллари бор.
Кемаларда сузиб ойлаб,
Ўз постимни сергак пойлаб,

Океандан ўтдим ҳатто,
Сувга ўхшар бутун дунё.
Мен тушмадим ҳеч қўрқувга,
Қуёш чиқиб ботар сувга.
Кўрдим дельфин, акулани,
Зўр бўларкан кит дегани.

Мен сузмаган сув қолмади,
Келган дерлар бахт — омади.
Кемам менинг мактаб, уйим,
Денгизчилик чин обрўйим.
Хуллас, менга денгиз ёқди,
Гўё бахтим бўлиб боқди.

СИГИР СОҒУВЧИ МАМНУН, АЙТГАН ГАПИ СЕРМАЗМУН

Бизнинг сигир фермани
Келинлар бир кўргани.
Фермамизнинг сигири,
Уюр бирига бири.

Ҳар нарса ўз жойида
Озодалиқ — қоида.
Охурида сигирлар,
Серсут, омон бўлгурлар.

Бир қашқа говмушим бор,
Ўзи жудаям зотдор.
Бир зумда мени таниб
Маърайди эркаланиб.
Ем бераман, сийлайман,
Қашилайман, силайман.
Тушунгандай сўзимга
Ўрганишган ўзимга.
Говмушларим боқаман.
Боқиб ўзим соғаман.
Яхши сўзни ҳайвон ҳам
Сезар экан чинакам.
Уни тўйдирсам қанча
Сут берар истаганча.

Шундай дерлар баъзида:
«Сигир суги оғзида».
Говмушлар суги булоғи,
Маза қатиқ-қаймоғи.
Етти хазина бири,
Қолхоз молу сигири.

СУЗ ОЛГАНДА ҲАМШИРА ҲЕЧ КИМ ҚУРҚМАДИ СИРА

Мен-чи, бир ҳамшираман,
Кўпга кўмак бераман.
Беморни кўриб бўлгач,
Дори тайинлар врач.
Ёзганини доимо
Менман этувчи ижро.

Бориб бемор ёнига
Оғриб турган жонига
Ором-шифо бахш этиш
Жуда-жуда улуғ иш.
Хонам бор шинам-ихчам,
Бор ойнаванд шкафчам.
Ҳар қавати, ичида
Дори-дармон кўп жуда.
Игналарим беозор,
Танни оғритмас зинҳор,
Укол қилсам-чи, аста
Тузалар тезда хаста.
Кимга чиқса-чи, яра
Дори сурсам бир карра —
Тез тузалиб кетади,
Ўрни эса битади.

Соғайганларни кўрсам
Севинаман жудаям.
Ширин-ширин сўзлайман,
Доим соғлиқ кўзлайман.
Уколда баъзи бола,—

Кўзлари бўлиб ола —
Бирдан ранги ўчади,
Гоҳо ура қочади.
Бундай қилиқ яхшимас,
Дори унга қаршимас.
Укол берар-ку, даво,
Тузалиш-да, муддао.
Кимки қочса уколдан,
Тузалмайди у ҳолда...



МАШИНИСТ БОШЛАР СЎЗИН МАҚТАБ ЎЗ ТЕПЛОВОЗИН

Менинг кўчам темир йўл,
Ям-яшилдир ўнгу-сўл.

Тепловозим — машинам,
Қабинаси энг шинам.
Мурвати — бурови —
Қўлимда руль — жилови.
Тепловоз темир отим,
Ташлайди илдам одим.
Ғизиллатиб ҳайдайман,
Росаям сайр айлайман.
Ета олмас шамоллар,
Писандмас шарқ, шимоллар.
Сўзларим бўлса жоиз
Қўшалоқ тор — темир из.
Чаламан йўл куйини
Шамол бошлар ўйинин.
Суриб йўллар гаштини.
Юртим бўстон, даштини,
Кезиб, кўриб чиқаман,
Ғиз югуриб чиқаман.

Беш йилликлар юкини,
Юкларнинг буюгини,
Вагонларга ортаман,
Манзил сари тортаман.
Ҳар кун талай шаҳарда,
Кечқурун ё саҳарда
Дўстдан дўстга меҳмонман,
Мен шунақа чаққонман.
Бир дўстим тилар оқ йўл,
Бири кутар ушлаб гул.

Темир йўлу темир йўл,
Темир эмас, томир йўл.
Олиб манзил ҳисобин,
Тортаман йўл танобин.

Ҳунаримдан, ўртоқлар,
Яқин бўлур йироқлар.



ЧЕВАР ДУППИДУЗ ЖУДА ШИРИНСУЗ

Ўз ҳунаримдан
Айлайин огоҳ,
Игна қалам-у,
Ипагим сиёҳ.
Олиб «сувини»
Тортаман қатим.
Ипак толадан
Гуллар қададим.
Товланар, қаранг,
Етти ранг чечак,
Гир айлантириб
Ўтказдим жияк.
Дўппимни қилай
Нимага қиёс?
Бошга қўнгандай
Чаман ё қуёш.
Бошингиз узра
Кулганда дўппим,
Завқ-у, ҳузурга
Тўлади кўнглим.
Баъзи болалар
Бошида дўппи...
Била олмайман
Қоптокми-тўпми?
Аввал отишиб,
Тепишар кейин,
Бундай болага
Нима ҳам дейин?
Ахир дўппига

Кўз нурим кетган.
Гоҳо толиқиб
Ҳузурим кетган.
Дўппи, бош азиз
Сақлангиз, хўпми?
Омон бўлсин бош,
Тушмасин дўппи.
Тиккан дўппимни
Ким кийса бошга,
Кўтарган бўлар
Ишим қуёшга.

ТИНГЛАНГ, НИМА ДЕР МИЛИЦИОНЕР

Бўлганидек элимга
Меҳрим зиёда,
Кўпдан бери ишлайман
Милицияда.
Эл тинчлиги — ороми
Бузилмасин ҳеч,
Давом этсин дейман-да,
Шодлик эрта-кеч.

Ниятларим бир олам,
Кўпайсин яхши.
Курашамиз ҳамиша
Ёмонга қарши.

Биласизми ёмонлар
Келар қаердан,
Милиция огоҳдир
Бундайин сирдан.
Келиб чиқар ҳаммаси
Бекорчиликдан,
Юзсизликдан, шунингдек,
Беорчиликдан.
Ёмонлик — бу касаллик,
Юқумли жуда.
Қим вақтини ўтказса
Ҳуда-беҳуда,
Ундайларнинг юришмас
Иши аксари.

Билмас қадам босганин
Ёмонлик сари.
Бундайларга юқади
Қозон қораси.
Лекин, улуғ меҳнатдир
Даво — чораси.

Тартибсизлик, ёмонлик
Йўқ бўлсин деймиз.
Элнинг уйи тинч, кўнгли —
Тўқ бўлсин деймиз.

Эл хизматин ўтамак
Улуғ бурчимиз.
Бизлар қонун, тартибни
Сақлагувчимиз.



ЧИЛДИРМАЧИ ЭГИЛИБ ГАПИРДИ БИЛИБ-БИЛИБ

Бадабанг, гумбадабанг,
Доира бўлса таранг,
Қўлга аста олурман,
Тараклатиб чалурман,
Чолғучига куй йўлин —
Бошлагайман усулин.
Саҳна узра раққоса
Уйинга тушса роса,
Бошқаради доира,
Бу доимий қоида.
Доиранинг санъатда
Хизмати жуда катта.
Келтирсам битта мисол
Қойил қоласиз дарҳол.
Устозим Уста Олим
Доира чалиб доим,
Жаҳонга донг таратган,
Янги мактаб яратган.
У чалганда чилдирма,
Тингловчини жилдирмай
Тортган оҳанрабодай,
Сўлим тонги сабодай,
Роҳатлар бахш этарди,
Куй билан элитарди.
Лондон, Парижга борган,
Эшитган қойил қолган.
Устанинг шогирдиман,
Доира дилбандиман,
Бошқа ёқда чалинмай,

Бошқа куйга чалинмай
Унинг кетидан кетдим,
Мана муродга етдим.
Эл ичра обрўйим бор,
Қаторда ўз ўрним бор.
Ҳалол хизматда доим —
Санъатда топдим жойим.



СУВ ҚУЙГАНДАЙ АТРОФ ГҮЕ СУЗЛАСАЛАР МИРОБ БОБО

Она ернинг сутидир сув,
Баракаси — қутидир сув.

Сувнинг ўзи келмас оқиб,
Тўкиб виқор
Пахтадай қор
Турар бизга тоғдан боқиб
Ё келишга эринади.
Қуёш бобо
Сочиб зиё
Аста-аста эритади.
Сўнг бўлишиб жилға-жилға
Тиниқ юз-ла,
Қилар жилва.
Баъзида сув роса асов.
Унга доим зарур жилов.
Қўйиб берсанг сувга агар,
Анчагина зарар тегар.
Билсанг йўли — йўриғини,
Уринлайди буйруғингни.

Ҳаммаёқ тенг чечак тақсин,
Деб, қиламиз
Ҳарён тақсим.
Сув — табаррук,
Сув — ёруғлик.
Сувга боғлиқ —
Борлик — тўқлик.
Кўкартирар экин эксанг,

Кета берар қайга десанг.
Мен миробман колхозимда,
Доимо сув ўз измимда.
Шилдир-шилдир сўзлашар у.
Тушунгандай сўзимга сув.
«Айтинг оқай қайси ёққа,
Йўл олайн чаман боққа,
Қайси пайкал
Менга маҳтал?»
Савол берар шу тариқа,
Оқаётиб сув ариқда.
Экин — фарзанд,
Ердир она,
Сутин эмар қона-қона.
Шу сабабдан пахта юмшоқ,
Нурдай тоза, сутдай оппоқ.

**МЕРГАН ОВЧИ, ҚАРАНГ
ДАРРОВДАН МАҚТАНАРДИ
ЯЙЛОВДАН—ОВДАН**

Овчиликни ким қилса одат,
Саёҳатдан минг бора роҳат.
Бепоеън йўл, ҳамроҳим қурол,
Етаклайди ажойиб хаёл.

Кўкрагингда ҳеч йўқдай қафас,
Тўйиб-тўйиб оласан нафас.
Уфқларга инар кўзларинг,
Йўлда қолар қутлуғ изларинг.

Сайраганда қушлар тўқайда,
Бундай концерт бўлмас ҳеч қайда.
Унутмайсан тотли дамларни,
Унутасан ташвиш, ғамларни.
Юргандайсан сеҳрий ўлкада,
Милтиқ осиб доим елкада.
Гоҳ кўринар узоқдан овул,
Учиб қолар бирдан қирғовул.
Ғизза чопиб ўтганда жайрон,
Анчагача қоласан ҳайрон.
Тоғдан тоққа кийик сакраса,
Аланглайсан ортидан роса.

Агар бўлса чинакам мерган,
Ортиқчасин терганинг терган.
Қир бағрида панада ётиб,
Йиқитасан, бўрини отиб.

Қўкка қараб, ётсанг ясланиб,
Осмон боқар нурдан ясаниб
Хаёлларинг кетар олисга,
Тушуrolмай қоласан изга.
Юлдузлар дер: «Қани қўлни бер...»
Учгинг келар хаёл отида.
Учгинг келар қуш қанотида...

Мерганлик бу ажойиб олам,
Бўш қайтсанг ҳам,
Қилмайди алам.
Йўлда сира бўлмасин говинг,
Дўстлар дейди: Юришсин овинг.



**АПТЕКАЧИ СЎЗИ ҲАМ
ДИЛЛАРГА БЎЛДИ
МАЛҲАМ**

Дорихона ичида
Ҳушёрлик керак жуда.
Роса кўпайган дори:
Ҳар хил таркиб, миқдори.
Бирини тутсанг ёдда,
Иш битар осон-соғда.
Қилинса хиёл хато
Сираям бўлмас даво.
Ҳаттоки оқибатда
Зарари бўлар катта.
Хуллас, аптекачилик
Нозик ишдир қанчалик.
Лекин ростини айтсам
Шарафлидир жудаям.
Бўлса-да, бемор ўсал
Доридан ичган маҳал
Келиб қолса ўзига,
Кулги қўнар юзига,
Дилингда бўлса ихлос,
Дардан бўласан халос...
Деган улуғ донолар,
Бу гапда кўп маънолар.
Кимки ичса ишонмай,
Тузалмайди ҳеч қандай
Дори ундайлар учун
Йўқотади ўз кучин.
Баъзи хил касаллар бор
Доридан ичмас зинҳор

Дори бўлар, деб ачкиқ,
Айтишар оппа-очиқ,
Иссиқда алаҳлайди,
Тишлари тарақлайди.
Кейин дарди зўраяр,
Дарсдан қолиб уялар.

Бизларда ҳар касалга
Дори кўп шу маҳалда:
Лекин-чи, ёмонликка
Қолоқлик, нодонликка
Нега дори топилмас?
Бор дорилар кор қилмас.
Гапимни яхши эсланг,
Бошқа томондан изланг.



ҲАРФ ТЕРУВЧИ АСТА КАСБИН МАҚТАР ҲАВАСДА

Айтай ҳунар — бурчимдан,
Мен-чи, ҳарф терувчиман.

Набор цехида қатор
Ленотиф машина бор.
Бу машина ичида
Ҳарфлар талай жуда.
Ҳарфлар бўлиб саф-саф
Тешикдан турар қараб.
Улар бари солдатдир,
Мен уларга командир.

Теракдай новча ундов
Соқчида постда турар,
Кераксан десам дарров
Ўз сафига югурар.
Чертсам «Б»нинг бурнига
Келиб турар ўрнига.
«Е»га елгин десам тез
Чопиб келиб берар «честь»
«Ш»га клавиш боссам
Шошганча тушар у ҳам.
Қарабсизки «Беш» сўзи
Тайёр ўзидан ўзи.
«Беш» баҳо олган қиздан»
Деган сатрни тездан
Қўрғошинга соламан,
Тайёр қилиб оламан.
Қўрғошин ёзув бўлиб

Енимда турар кулиб.
Бундан газета, китоб
Босишга бўлади боп.

Билиб қўйгин, укажон,
Ҳунарим эмас осон.
Сал хато қилсам агар,
Анча зарари тегар.
Қилинар шундай талаб:
Тераман бошқатталаб.
Териш керак тушуниб,
Ўз ўрнига тушириб.
Тердим икки мисра шеър,
Қулоқ солинг нима дер:
«Ким ўрганса илм, ҳунар,
Ҳар доимо бахт кулар».

РАССОМЛИК НОЗИК САНЪАТ ЗАРУР ТАЛАНТ-У, ТОҚАТ

Мен гапга устамасман,
Ортиқ гап истамасман.
Менга бўёқ, мўйқалам —
Ҳар ерда дўсту ҳамдам.
Табиат ўзи рассом,
Рассомга берар илҳом.
Чорлар мени пахтазор,
Ҳатто фазо интизор.
Гуллар, кел деб, кулгандай,
Анҳор атай тўлгандай.
Тоғлар мени кез, дейди,
Боғлар мени чиз, дейди.

Рассомлик дерлар санъат,
Зарурдир тоқат, талант.
Ўзича шоирликдир.
Нафосат, моҳирликдир.
Буюк рассомлар ўтган,
Довруғи олам тутган.
Репин, Беҳзод, Рафаэль,
Тан олгандир жаҳон, эл.
Гўзаллик яратганлар,
Кўз, дилни яйратганлар.

Мен ҳам мавзу излайман,
Дарров уни чизмайман,
Кўнглимда
Кўз ўнгимда
Пишитаман, сезаман,

Кейин, аста чизаман.
Дейдилар расм чизиш:
Игнада қудуқ қазиш...
Китобдаги ҳар шеърга,
Зеҳним қўйиб бир ерга, —
Ҳар бир ҳунар эгасин
Кўрсатсам қиёфасин,
Бўлар эдим кўп мамнун,
Қўшолсам шеърга мазмун.

Менинг элдан «қарзим» бор:
Қарзим эмас, орзум бор:
Ишласам дейман ростим,
Ёмон болалар расмин,
Қийшиқ қилиб юзини,
Бежо қилиб кўзини,
Элга қилсам масхара,
Масхара-ю, тасқара.
Қилмишидан уялиб,
Деворларга суялиб,
Хижолат бўлса роса,
Сўнг тузалса, бу соз-а,
Кўрсатса ҳар бир расмим
Юрагим — исмим-жисмим.

СУЗЛАГАНДА КИМЁГАР, ДЕЙСИЗ, ХУДДИ СЕҲРГАР

Уйлаб қаралса кимё,
Қизиқликда бир дунё.
Ҳам улуғ фан, ҳам ҳунар,
Ҳамма жойда кўринар.

Менделеев жадвали
Қимё фанин сайқали,
Ҳар модда формуласи,
Асоси хулосаси,
Қимёгарга калит бу,
Фикрларга нур-ёғду,

Ҳар моддада ўзгариш...
Зарур, дерлар ўрганиш.
У аччиғ-у, бу ширин...
Бунда кимё яширин,
Қаттиқ нарсани агар
Иситса-чи, кимёгар —
Айлантирар суюққа,
Суюқни-чи, қуюққа.

Қилни қирққа ёришдир,
Фан конига боришдир.
Қимё жуда ажойиб:
Бир нарса бўлиб ғойиб,
Қараб турилса гўё —
Йўқ нарса бўлар пайдо.
Қозонда пишар овқат,
Қимё ишидир фақат.

Уни олиб оҳиста,
Сўнг чайнайсиз оғизда.
Яна қўшилар маза...
Қаранг, кимё мўъжиза.

Мана қаранг, чигитга.
Кўринар сизга содда,
Чиқармасдан чиқитга
Олинар талай модда.

Газни қаранг — хомашё,
Қўлини урса кимё
Ечилар ундан жумбоқ
Олинар турли буюм,
Газлама уюм-уюм
Истаганча ўйинчоқ.

Билдингиз-а, ҳар қалай
Мисоллар кўп — бир талай.

КЕЛИБ, ДЕРДИ, КОМБАЙНЧИ— МЕН ҲАМ СЎЗЛАБ ҚУРАЙИН-ЧИ

Бўлганмисиз қир-бугдойзорда,
Айни ёзда зап гашти бор-да.
Етилганда далада ҳосил
Кўрган одам қолади қойил.

Кенгликларда яйрайди офтоб,
Гўё бугдой денгизи атроф.
Кенг бугдойзор уради тўлқин,
Бошоқларнинг дони зич — тиқин.
Денгиз узра сузган кемадай
Комбайнлар ўрим учун шай.

Мўл ҳосилдан дилни хушлаймиз,
Комбайнлар рулин ушлаймиз.
Бугдойзорда моторлар янграр,
Комбайнлар ўрар
Ҳам янчар.
Комбайннинг гўё бор ақли,
Ижодкори мақтовга ҳақли.

Бўлиқ донлар гўё дурдона,
Тўқчиликдан файзу нишона
Тарновлардан оқар бугдой-дон,
Бир қарашда қоласиз ҳайрон.
Ғаллакорнинг мушкулин осон —
Эта олган қайси билимдон?
Уринлими, қўйган саволим,
Жавобим шу, ишчи ва олим.
Ишчидан-чи, мендайн деҳқон,

Аямайман на дон-у, на жон.
Биримизга биримиз керак,
Деҳқон, ишчи оҳангдош юрак.
Бурганимда комбайн рулин,
Мен ўйлайман ишчининг қўлини.



ТОПИБ ЯНГИ ИБОРАЛАР ШОИР ҚАЛБИН ИФОДАЛАР

Шоирлик бу ижод қилмоқ,
Сўз денгиздан маъно илмоқ.

Шоир халққа асл фарзанд,
Эл дилига дили пайванд.
Уйлагувчи эл орзусин,
Куйлагувчи дил туйғусин,
Топиб янги иборалар,
Уз тилида ифодалар.
Шеър ёзиш бир
Ихтиродир,
Кўзга аниқ кўрсатишдир,
Урганишдир,
Ўргатишдир.
Сўзлар билан расм чизиш,
Кенг атрофни аниқ сезиш.

Яна бордир зарур асос,
Шеъринг бўлсин барчага мос.
Шоир чиндан шеър эгаси,
Шеър юракнинг гул, меваси.
Вазнларим ўлчов йўли,
Қофиялар қатор гули.
Сўзлар эса содиқ аскар,
Сўзга шоир оддий раҳбар.

Майли, мен ҳам сўзлаб ўтай,
Сўз боғимдан гуллар тутай.
Тушунтирай майли бир оз

Иш қуролим қалам, қоғоз.
Баъзи бир хил ишлар каби, —
Шоирликнинг йўқ мактаби.
Бу гаплар ҳам бўлса баланд:
Керак, дерлар, илҳом-талант.
Демак ҳар бир ҳунарга ҳам
Дерлар зарур билим, чидам.

ФУРСАТИ ЭКАНМИ ОЗ ТЕЗ ГАПИРДИ СОАТСОЗ

Мен оддий соатсозман,
Шогирд эдим, устозман.
Тузатмоқ учун соат,
Керакми уқув, тоқат.
Тоқатнинг етмас ўзи,
Машқ, ўқув, ҳунар кўзи.

Умримда неча минглаб
Соат қалбини тинглаб
Касалларин топганман,
Бир зумда тузатганман.

Соатнинг нафи қизиқ,
Эҳтимол, гапи қизиқ.
Соатвой «чиқ» «чиқ» этар
«Санаб берай» вақтингни
Ўтказма бахт нақтингни,
Деб гапин очиқ айтар.

Соатнинг «чиқ-чиқ»лаши,
Қушларнинг «чақ-чақ»лаши
Оҳангидай туюлар,
Дилга завқлар қуюлар.

Кимнинг вақти ўлчоғлиқ,
Иши анча бежоғлиқ.
Гўёки пойлаб ётар,
Ухлаб қолсанг уйғотар.

Соат инсон ҳамроҳи,
Яхши ишлар гувоҳи.
Соат вақтнинг юраги,
Доим юриб туради.

Бир бола бор у асло —
Соатга қилмас парво.
Бир буюм деб тушунар,
Умр қадрин туширар.
Ундайларга бу соат,
Хизмат қилмас тоабад.
Афсус қилади кейин,
Ўзига бўлар қийин.
Ўйлаб кўрайин бир оз,
Ундай бола бизда оз,

ДАРВОЗАБОН СУЗЛАДИ ЭҲТИЁТЛИК КЎЗЛАДИ

Менинг ҳам бор вазифам,
Бошқалардан эмас кам,
Каттакон футбол майдон,
Одам тўла тўрт томон.
Ҳушёр бўлиб ҳар дамда
Тураман дарвозамда.

Икки томон елишар,
Ҳужум қилиб келишар.
Копток учар ҳар томон,
Қалбим тўла ҳаяжон.
Коптокда доим кўзим,
Саноқли қадам, изим.
Қайдан келар биламан,
Учиб келса иламан.

Сўнг коптокни жўрттага
Итқитаман ўртага.
Бошланар талаш, ўйин,
Гоҳ менга бўлар қийин.
Коптоқдан кўзин узмай,
Ҳимоячим турар шай
Бошланар оширишлар.
Бошланар шоширишлар.

Дарвозам кўриқлайман,
Ишқибозни ёқлайман.
Ҳаракатлар келмай қўл,

Дарвозамга бўлса гол
Туширмайман руҳимни.

Ўйинда энг муҳими,
Яна бўламан ҳушёр,
Ҳушёрликда кўп гап бор,

Лекин баъзилар учрар
Ўз-ўзига гол урар,
Ана шуниси мушкул,
Обрўйинг бўлар бир пул.
Шу сабаб ҳар ўйинда
Менга анча қийин-да.
Гоҳ учаман, сакрайман,
Дарвозамни сақлайман.


АРХИТЕКТОР ҲАР ҚАЛАЙ СЎЗ ТОПДИ АНЧА ҚУЛАЙ

Архитектор бинони
Кўргандайин кинони —
Ҳар ҳолда кўз ўнгида,
Тайёр қилар кўнглида.

Ҳар бир бино учун, ҳа,
Тузилади лойиҳа.
Чизмалардан иборат —
Бўлар аввал иморат.
Қурувчилар-чи, буни
Дерлар бино мазмуни.
Ҳар бир бино мустаҳкам,
Ҳар бир бино муҳташам,
Бўлишин мўлжаллаймиз,
Кўча-жойни танлаймиз.

Бинонинг ҳамма ёғи,
Нималар сарф бўлмоғи
Йўлаги, эшик, роми.
Пойдевори ва томи,
Ҳаттоки ранги-туси,
Ҳашами, борлиқ, ҳусни.
Ҳовлиси, дарахтлари —
Қоғозга тушар бари.
Ҳар бир бино, ҳар қалай,
Бўлсин деймиз соз — қулай.
Кўрсангиз, шу алфозда
Бино тайёр қоғозда.

Бу билан иш битарми?
Қоғоз ўзи етарми?
Инженер олиб уни,
Ўрганар-да, ҳар куни,
Қўнгил узмай қоғоздан
Иш бошлайди оз-оздан.
Бу ўринда қурувчи,
Асосий ҳал қилувчи.



ТИКУВЧИ ДЕР:— КИЙИМ-КЕЧАК ЯРАШУҒИ — ГУЛ-У, БЕЗАК

Нозик ҳунар тикувчилик,
Уни пайқар эл-кўпчилик.
Одамларга ҳар бир либос
Ярашса соз
Ва келса мос,
Шундагина кўнгил тўлар,
Кўринади меҳнат, ҳунар.

Қилиб янги мода ният,
Гўё билиб маданият.
Баъзи бирлар кияди тор,
Бутун бадан чекар озор.
Қимки кийса лойиқ энгил
Ўзига ҳам бўлар энгил.
Шунда биз ҳам шод бўламиз,
Эл тилида ёд бўламиз.

Бичиқчилар бичган мато
У пишмаган овқат гўё.
Уни бизлар пиширамиз,
Чок-чокига туширамиз.
Бир чок бўлса нари-бери
Бузилади ҳамма ери.
Бу ўринда тикувчида
Бўлмоғи шарт тоқат-чидам.
Бизнинг меҳнат яхши-ёмон
Бўлиб турар тезда аён,
Кўпчиликнинг олқиши ҳам,
Баъзиларнинг нолишин ҳам

Эштамиз, тузатамиз,
Хурмат билан кузатамиз.
Ким кийимни тутса тоза
Бизга маъқул-унга маза.
Баъзилар-чи, кияр ифлос,
Тикувчига шуми ҳурмат?
Дея кўнгил ранжир бир оз,
Ундайларга бўлсин уят
Чиқиб юрса кир-яғири,
Одатнинг бу энг тахири.
Кимки юрса ёқавайрон
Кўплар унга боқар ҳайрон.
Тугмалари ё тушганми,
Биров билан уришганми?

Ким кийимни йиртса агар
Бизларга бу қаттиқ тегар.

БОКСЧИ САЛОМ БЕРИБ СЎЗЛАДИ КЎКРАК КЕРИБ

Бокс — куч ва эпчиллик
Уйини дер кўпчилик.
Боксчи бўлиш учун
Йиғиш керак ўз кучин.
Бокс — бу полвонликдир,
Ҳушёрлик, чаққонликдир.
Бир зайлда ёз-у, қиш
Қонун машқда чиниқиш
Тобланган кучли қўллар,
Кўкрак қафас, мускуллар...
Нима деса тренер,
Дейдилар, эътибор бер,
Устоз ташлаб кўз қирин
Айтади рақиб сирин.
Олишган чоғинг рингда
Устоз турса тўғрингда
Руҳланасан жудаям,
Курашасан чинакам,
Ўзим ҳақимда бир сўз
Айтган эмасман ҳануз.
Талай рақибни йиқдим,
Гоҳида чарчаб чиқдим.
«Билсанг имкониятинг
Кулар, дерлар, ниятинг».
Боксда мақтанчоқлик
Оғир тушар нечоғлик.
Боксга тушганимда
Куч кўпаяр танимда
Устоз сўзи ёдимда.

Устоз ўзи ёнимда
Тургандайнн бўлади,
Қалбимга завқ тўлади.
Қилсам ушбу одатим,
Кулар доим омадим.



УНЧА КҮП АЙЛАНТИРМАЙ ЧАРХЧИ СУЗЛАДИ ШУНДАЙ

Уйлаб кўринг-а, бир қур,
Ҳар жойда чархчи зарур.
Чархим ғир-ғир айланар,
Қайраш учун шайланар.
Қайчи, пичоқ ва болта
Етса-чи, ўтмас холда,
Кимга ҳам бор кераги,
Гўё йўқдай юраги...
Ўтмас бўлса-чи, асбоб,
У асбоб гўё бетоб,
Нима ҳам қила олар.
Ҳамма ёғин кир олар.
Бўлса ҳам-ки зўр уста
Ноилож бу хусусда.
Чархчимаан заводимда,
Устоз сўзи ёдимда:
«Асбобни қилсанг кескир,
Ўзинг ҳам бўлгин сезгир».
Ўткир ва кескир демак,
Ҳар ерда доим керак.
Сўзлар ўткир бўлса гар,
Ундан кўп фойда тегар.
Ўткир сўз, ўткир ақл
Бўлар завқли, мустақил.
Чархимнинг мотори зўр,
Қудрати — мадори зўр.
Айланганда физиллаб
Учқун чиқар чизиллаб.
Қаттиқ резецларни ҳам

Кескир қиламан илдам.
Айтиб қўяй бу ёғин,
Ҳар нарсани қайрар деб,
Роса чархи сайрар деб,
Уйламанглар сиз тағин...
Ўтмасроқ кимнинг ақли,
Чиқмасин мендан жаҳли,
Уни ўткирроқ қилмоқ,
Қўлимдан келмас бироқ.
Шундай дер халқим-элим:
— Ақлни чархлар билим.

ҲАЙҚАЛТАРОШ СУЗЛАЙ КЕТДИ ЭШИТГАННИ ҚОЙИЛ ЭТДИ

Ҳайкалларга ёшлик кезим
Қарар эдим огиб эсим.
Ясаган деб қайси уста,
Сўрар эдим бу хусусда.

Эсимда бор ҳали-ҳали
Ленин бобом ҳайкалини
Урнатишган маҳаллага
Кичик эдим у паллада.
Ҳар кун бориб кўрар эдим,
Аста, сийпаб кўрар эдим.

Ҳайкалтарош бўлиш орзум
Юрагимдан кетмай бир зум
Лойдан ясаб ўйинчоқлар,
Машқ қилардим ўша чоғлар.

Кўп ўқидим, ўргандим сўнг,
Гоҳ ишларим келмади ўнг...
Ишлолмадим бир неча йил,
Шунда эди доим кўнгил.

Лекин ўша тилак — орзу
Оҳанрабо мисоли у —
Ўз измига тортар эди.
Яна завқлар ортар эди.
Учратгандим яхши устоз,
Орзуларим этди парвоз.
Кечирасиз, мақтансам сал,

Ишлаб қўйдим анча ҳайкал,
Ҳозирда бор талай режам,
Иш билан банд кундуз-кечам.
Олтмиш олти олтин қўлга,
Ҳайкал ясаб, тизсам йўлга,
Ардоқласам касб-ҳунарни,
Эплай олсам, эҳ, буларни.
Жуда-жуда яйрар эдим,
Ижод билан қайнар эдим.
Бу энг улуғ орзум эди,
Мақсадимга етай энди.

СЎЗЛАБ БЎЛДИК БИЗЛАР ЎЙЛАНГИЗ СИЗЛАР

*Мана Сизлар учун бир-бир сўзладик,
Бир устоз мисоли оқ йўл кўзладик.
Баъзимиз гапирдик вазифа — ишдан,
Улуғвор мақсад бор сизга айтишдан.
Сўзимиз яхшилаб тингладингизми,
Маъносини чақиб англадингизми?
Қимларнинг сўзига қолдингиз қойил,
Қай томон бўлдийкин кўнглингиз мойил?
Аслида кўнгилда қизиқиш бўлсин,
Ишингиз ҳар ерда қизиқ иш бўлсин.*


*Ҳозирда майдонда ботир техника,
Фан, ҳунар либосин кийган эгнига.
Бунинг ҳаммасига асосдир меҳнат,
Меҳнатга, дейдилар, сақла садоқат.*

*Бир гапни айтмоқлик ҳозир ўрнида,
Ҳеч ким ўрганмаган она қорнида.
Ўрганиш, ўрганиш, ўрганиш керак,
Қизиқиш, машқ қилиш, ўртаниш керак.
Осон ишдан асло йўқдир роҳат, бахт.
Бу гапни ўйлангиз ҳар ерда, ҳар вақт.*

*Мақтанманг сираям, мақтангандай ғоз,
Қанча кўп билсангиз, билибман денг оз.*

*Дарахтнинг шохидан ўсгандайин шох,
Ҳунар ҳам, билим отмоқда тармоқ.*

Хунару билимда асосдир устоз,
Қам бўлмас устозни ким этса эъзоз.
Майли фурсат ўтсин, ўйлаб кўрингиз.
Биз юрган йўллардан сиз ҳам юрингиз.



ВАҚТИДА БАХТ ТОПГАНЛАР

(ДОСТОН)

I

Хўв, Бухоро томонда,
Аниги, Шофриконда —
Эргаш деган йигит бор,
Қадди-басти — жуссадор.
Эт қўшилган этига,
У тўлган ўн еттига.



Эргаш дўстлар қатори
Битирди ўнинчини.
Не қилса, гапнинг чини,
Ўзида ихтиёри.
Куч кирган билагига,
Йўл очиқ тилагига.
Иш кўрсатгин деса эл,
У дарровда боғлар бел.
Аттестати қўлида.
Эргаш юрган йўлида:
«Қайси жойга керакман,

Ишлайин чин юракдан.
Олишга билим-зиё
Пойтахтга жўнайми ё,
Колхозимда тўкиб тер,
Ё очайми янги ер.
Яйловда боқайми қўй...»
Деб ўзича сурар ўй.
Бир кун Эргаш ўй ўйлаб,
Кетарди кўча бўйлаб.
Учради синфдоши,
Яқин дўсти — сирдоши.
Сўрашиб ҳолу аҳвол,
Суҳбат бошлашди дарҳол.
Дўсти деди:
— Янги гап.
Агарда бермасанг чап,
Бу йигитлик фаслида
Ишласак бир Газлида.
Газли асли оловкон
Борсак дейман икковлон.
Соз бўларди ҳар қалай,
Гап маъқулми, хўш қалай?
Ном чиқарсак астойдил,
Дўстлар қоларди қойил.

Ундайди давр бизга
Тушгин, деб нурли изга.
Санақул сурди хаёл,
Гапи маъқулроқ хиёл.
Яна бир оз ўйлади,
Бармоғини ўйнади.
Эргашга қарар шу пайт,
Деган каби жавоб айт.
Жим қолишни кўрмай эп,
Гап бошлади шундай деб:
— Битирдик мактабни ҳам,

Ҳеч кимдан эмасмиз кам.
Газли томон олсак йўл,
Кўпларга бўлар маъқул.
Роса бизни мақташар,
Қаҳрамон деб аташар.
Эшитса журналистлар,
Бизни кўришни истар.
Қарабсан-ки эртага,
Ёзишар газетага.
Пайқаса бирор шоир,
Бизларга қолар қойил,
Ёзади атай дoston,
Номимиз кетар ҳар ён.
Уқиса тенгқур бола,
Бизлардан ўрناق ола —
Роса хаёл суради,
Газлига югуради.
Қолмай деб Санақулдан,
Адашиб қолар йўлдан.
Бой бўламиз бир йўла,
Ҳамён ҳам пулга тўла.

Бу гапга Эргаш бир оз
Билдиргандай эътироз:
— Уйлаб кўрсам, Санақул,
Гапинг хиёл номаъқул.
Билгин, олдин мақтаниш,
Бизга ярашмаган иш,
Боришга сен кўндингми?
Бузмайсанми кўнглингни?
Яша, Санақул ошна,
Қани қўлингни ташла, —
Деб Эргаш қўлин чўзди,
Қўлини ушлаб эзди.
— Арслон қайтмас сўзидан,
Эргаш қайтмас изидан.

Санақул ҳам шу сафар
Эргаш дўстин тузатар:
— Эргаш қайтмаса сўздан,
Санақул қайтмас издан.
Эргаш билан Санақул
Бошқатталаб берди қўл.
Икковлон аҳд этишди,
Гўё бахтга етишди.

II

Санақулнинг Суюнжон
Деган укаси бўлар.
Хабар топгани ҳамон
Роса қувончга тўлар.
— Ростин айтинг, акажон,
Чўлга жўнайсиз қачон? —
Деб сўрайди ҳавасда,
Санақул дейди аста:
— Яшасам узоқ жойда
Сенга бундан не фойда?
Сени қара-ю, сени,
Ёқтирмайсанми мени?
— Йўқ, ундаймас, акажон,
Соғинаман ҳар қачон.
Биласизми, агар Сиз
Газлида ишласангиз
Юраман кўкрак кериб,
Ҳаммага салом бериб.
Роса обрўйим ошар,
Ҳавас билан қарашар.
— Демакки, мактабда сан,
Мен билан мақтанасан?
— Мақтанаман албатта,
Узим ҳам бўлсам катта
Бораман ёнингизга.
Ёрдам бераман Сизга.

— Гапларинг хиёл маъқул,
Деган бўлди Санақул.
Суюн роса севинар,
Юз-кўзида сезилар.
У пионер ёшида,
Минг орзу бор бошида.
Газета, журнал ўқир.
Зеҳни анчалик ўткир,
Синфдошлар ичида
Билағон бола жуда.
Анча яхши нияти,
Бор одоб-орияти.
Бўйи-басти ҳам дуркун,
Исми ҳам мосдир — Суюн.

Одатдаги тонг отди,
Тонг Суюнни уйғотди.
Бугун акаси жўнар,
Гўё бугун бахт кўнар.
Ўзи кетаётгандай,
Ўзи етаётгандай,
Қанийди бирга борса,
Нима бериб юборса?
Ёки қаламтарошин
Чамадонга яширин
Солиб қўйишни ўйлар,
Ўйлаб бармоғин ўйнар.
Суюн ўйлаганича
Кўнгли тинчиди пича.
Тонг маҳали Эргаш ҳам
Келди, қадами шахдам.
Юзи тўла қувончи,
Дили тўла ишончи.
Суюнга қилар ҳазил:
— Сен ҳам йўлга бўл ҳозир,
Бизлар билан кетавер,

Қани хўпми, қўлни бер.
— Уқишимни тугатиб
Мен ҳам бораман етиб.
— Бу сўзингга мен қойил,
Доим бўл шундай дадил.

Икки ошна тонг чоғи
Чиқмоқчи Шофрикондан
Таниш-билиш — ўртоғи
Келишган-да, ҳар ёндан.
Кузатишар сафарга
Газли деган шаҳарга
Эргашу Санақулни,
Беришиб бир-бир қўлни.

Дадил туриб икки дўст
Йўқдай сира каму кўст,
Толе тонги отгандай
Бахтга кетаётгандай,
Қувончу сурур билан,
Йигитча ғурур билан
Йўл олишар чўл сари,
Баҳодирлар сингари.
Уни қарангки Суюн,
Дарсдан қолса ҳам бугун,
Акаси билан бирга
Борди-я, анча ерга.
Суюнжонга бир қаранг,
Йиғламай қолди араиғ.
Хайрлашди, кулишди,
Аммо кўнгли уюшди...
Суюннинг ҳам орзуси,
Келган эди боргуси,
Тезда улғайиб қолса,
Қани у ҳам йўл олса.
Лекин ҳали кичкина,
Ҳеч ким қилмайди гина.

Галстуги бўйнида,
Зўр хаёллар кўнглида.
Улар бўлгунча ғойиб,
Қараб қолди анграйиб.

Икки дўст чўл йўлида,
Чамадонча қўлида
Машинада кетишар.
Ахир қачон етишар?
Ошиқарди иккови.
Юзларига урилар
Июль ойин олови.
Гоҳо қуюн увиллар,
Кетингга қайт, дегандай,
Ҳар томондан тўхтамай.
Сачрар эди қум-тўзон,
Лекин икки паҳлавон —
Қайтиш йўқдир кўнглида;



Кетаётир йўлида.
Икковлон мўл юришар,
Юришар, чўл юришар.
Иккови Шоффриконнинг
Қорақош шўх йигити.
Бўйи баланд, кифти кенг —
Рустам дoston тахлити.
Икковининг ёши тенг.
Дўстларидан эмас кам.
Бу йигитлар сира ҳам
Қайтмас босган изидан,
Кечмас берган сўзидан.

III

Эргаш билан Санақул
Бахтларига очиб йўл,
Бўлишарди оловкор.
Бундайлар минг-минглаб бор
Ватаннинг ҳар ёғидан
Ростов, Урал тоғидан,
Москвадан, Сибирдан,
Тошкентдан-у, Памирдан
Келган билимдонлар бор.
Барча бунда оловкор.
Шуларга тенгқур бўлиб,
Юришди кучга тўлиб.
Улар меҳнат қўйнида
Ўзни сезди баҳодир.
Улар кўзи ўнгида
Газли деган янги бир
Шаҳар кўтарди қадди,
Кулган янглиғ мақсади.
Бўлди чўлга ҳол, чирой,
Қурилди клуб, сарой.
Мактабу боғча, уйлар,

Шаҳар ёшлиқдан куйлар.
Будир оловкор юрти,
Буни талай мард қурди.
Улуғ дўстлик шаҳридай
Турли эл қардоши бор.
Бахтли она бағридай
Меҳри-ю, қуёши бор.

Акасига Суюнжон
Хат ёзарди ҳар ҳафта.
У шунчалик меҳрибон,
Соғлиқ тилар ҳар хатда.
Нималар қилганидан
Ўрганган, билганидан
Сўрар хатда эринмай,
Суюн одати шундай.

Газлида ишлар акам,
Мақтанганнамо салкам
Отряд газетасига,
Уни-чи, эртасига —
Ёзди битта мақола,
Ўқиди талай бола.
Баъзиларига ёқди,
Баъзилар кулиб боқди.

Лекин пионер Суюн,
Мағрур юрарди ҳар кун,
Шундай хаёл бор унда
Акаси Қизилқумда,
Қаҳрамонлик қиларди,
Унга омад тиларди.

Улар ҳам, ҳақиқатда,
Қийналишди олдини.
Чиниқаркан меҳнатда

Одамларнинг олтини.
Сув келса симиришди,
Ўт келса кемиришди.
Озишди, семиришди.
Бу ер мактаб боғимас,
Шофрикон қучоғимас;
Гуллар қилмас табассум,
Бу ер кўҳна Қизилқум.
Ёзнинг олов иссиғи,
Қишнинг совуқ қилиғи,
Бўронларнинг оғири,
Саваган қум ёмғири —
Одам учун осонмас!
Ҳар қалай келишди бас.
Устозларнинг пинжида,
Тенгқурларнинг ичида
Мингларнинг бўлиб бири,
Кулган каби тақдири,
Газ қудуқлар очишди,
Шундай меҳнатда пишди.

Қизиқ эди Санақул,
Унда шундай одат бор.
Қачон олса маош-пул
Санар эди уч-тўрт бор.
Олдинлари пулини
Белига юрди боғлаб.
Ундан узмай кўнглини.
Ҳеч ким йўғини пойлаб
Яна санаб кўярди,
Гўё кўнгли тўярди.
Эргаш сезарди буни.
Одати дея унинг —
Ҳеч бир нима демасди,
«Бунақанги хулқ асти
Зиқналикнинг бир хили»

Дея ранжирди дили.
Укасига Санақул
«Юборайми Сенга пул?»
Деб хат ёзди бир куни,
Эргаш кўрди-да, уни —
«Шу ҳам хат бўлди деб»
Юборишни кўрмай эп
Қўлига йиртиб берди,
Охири жеркиб берди:
— Уйлаганинг доим пул,
Сўйлаганинг доим пул.
Эй, оғайни Санақул,
Отинг экан Санақул,—
Деди-ю шунда Эргаш,
Дили бир оз бўлди ғаш.
Имтиҳондай икки йил
Ўтиб кетди шу зайл.

IV

Кунларнинг бир кунида,
Қизилқумнинг қўйнида,
Ковланарди газ қудуқ.
Сахро қилгандай қуллуқ
Жимжит эди кенг атроф.
Фақат осмонда офтоб—
Аямасдан сочар нур.
Ҳар бир оловкор мағрур,
Эргашу Санақуллар,
Геологлар, бошқалар...
Билимдон олтин қўллар
Машинани бошқарар.
Ҳар аппарат бирма-бир
Бажарар ўз ишини.
Ер остига турбобур
Санчар пўлат тишини.

Чўл танини ёрарди,
Тилсим сари борарди.
Кўзи-ақли бор янглиғ
Машинанинг қисмида,
Тўғри ишлар нечоғлиқ,
Бари инсон измида.
Кеча-кундузи бирдай,
Моторлар ҳеч тўхтамай,
Темир тишлар шу зайл
Тилсимга борар дадил.

Моторлар ҳам гувиллар.
Бирдан ернинг тагидан,
Газ кони юрагидан
Бир нимадир гумбурлар.
Титраб кетди тик вишка.
Ҳамма ҳайрон бу ишга,
Тўхтади турбобурлар.
Чақнади ҳар хил нурлар.
Сигнал билан шу замон
Ҳамма қочди ҳар томон.

Аста-секин газ конин
Чиқа берди вулқони.
Вулқон оғзидан лов-лов
Отиларди газ-олов.
Гўё чўлдаги бўрон
Ернинг остидан вулқон —
Бўлиб отилар эди,
Барча ташвишда энди.

Беш терак бўйи тикка —
Ёнар эди газ-олов.
Отилар эди кўкка —
Кундан-кун бўлиб асов,
Ер остидан аждаҳо

Чиққандай эди гўё.
Нақ, отилган парча лой,
Қайга тушса ўша жой —
Иссиғидан куярди,
Гоҳ, қумларни уярди.
Атрофга қилар ҳамла,
Ташвишга тушган ҳамма.
Геолог-у, инженер
Ўйларди чора-тадбир.
Баъзилар эса жуда —
Қолган эди қўрқувда.
Айниқсанги Санақул
Роса ҳам чўчиб кетган,
Орзу-умиди буткул
Қўрқувдан учиб кетган,



Мақсади-фикри бошқа,
Кўнгли борган сари гаш...
Кўрқувда эмас Эргаш.
Бас келсам дер оташга,
Матросовдай оловга—
Ташланган каби ёвга,
Вулқонга ўзин отса,
Майли оловга ботса,
Кўксини қилса қалқон,
Лекин тўхтаса вулқон!

V

Санақулнинг авзойи
Сўнгги кунларда бежо.
Ҳеч очилмай чиройи,
Недир йўқотган гўё.
Сезарди Эргаш дўсти
Не экан каму кўсти...
Деб сўрашга ботинмас,
Хаёл суришдан тинмас.
Бир куни келиб фурсат
Икков қилишди суҳбат.
Санақул чуқур ўйлаб
Бармоқларини ўйнаб:
— Гап шу, оғайни Эргаш,
Кўнглим нимадандир гаш,
Кетаман Шофриконга,
Чўл тегди жуда жонга.
Уйдагилар кел депти,
Менинг ғамимни епти.
Мана топдим талай пул...—
Деб сир очди Санақул.

Эргаш бўлса шошилмай,
Нима деярин билмай,

Анча толди хаёлга,
Қолгандай қизиқ ҳолга.
Санақулдан шундай гап —
Чиқишин юрар ўйлаб.
— Дўстим сенинг мўлжалинг.
Бўлса агар шунчалик.
Ўйлаган бўлсанг пухта,
Ким ҳам дер сенга, тўхта.
Бу ерлар кейинчалик
Бўлиб кетар жуда соз.
Тугалар қийинчилик,
Қўпи кетиб, қолди оз.
Қўрққанингдан вулқондан,
Сабаб излаб ёлғондан,
Санақул қочибди деб,
Одамлар ўйлашмасми?!
Шундай пайтда асти
Кетишинг келарми эп?!
Қишлоққа борсанг, ҳамма —
Қилмасми таъна, шама.
Сени деб мен, албатта —
Қоламан хижолатга.
Менга ҳам бирортаси:
«Хув, қалайсан акаси,
Яқинроқми қочишинг?..
Дея қилса-чи, пичинг,
Мен бунга чидайманми?
Ёки индамайманми?!
Сенга айтсам очиқ гап,
Кетишингга йўқ сабаб.
Эсингдами келар вақт
Иккимиз қилувдик аҳд?
Сўзингдан қайтасанми,
Арслондай йигитсан,
Изингдан қайтасанми?!

Шу ҳолатда икки дўст,
Ичига тушгандай сўз,
Талай вақт қолишди жим...

Ёзолмайман, ўқувчим,
Бу суҳбатнинг қолганин,
Санақул оқшом пайти
Шофрикон томон ўзи
Эламай дўстлар сўзин,
Санақул арслонмас,
Қайтди келган изидан,
Санақул қаҳрамонмас,
Қайтди берган сўзидан.
Икки йилча Санақул
Орттирганди анча пул...
Топган бахтини гўё
Шу деб ўйлаганми ё?
Уйланиб бола-чақа
Қилмоқчимикан балким,
Нияти бор қанақа,
Ичидагин билар ким.

VI

Санақул оқшом пайти
Қишлоққа келди қайтиб...
Кўриб ота-онаси
Чиққундай эсхонаси
Шошиб кутиб олишди.
Севинишиб қолишди.
Суюн севинмас лекин,
Билгандай гапнинг тегин.
Қочиб келган деб ўйлаб,
Доим бериб юрди чап.
Унга рўйхуш бермади
Гаплашиб ўтирмади,
Акаси-чи, бир куни

Чақириб олиб уни:
— Келмасин, ука, гашинг,
Мана қаламтарошинг,
Узинг учун атайлаб
Юрдим асраб-авайлаб.
Суюн пичоқни олмай,
Гапига қулоқ солмай,
Чопиб кетиб қолади,
Хаёл отда толади.
Юраги така-пука,
Насихат қилса ука,
Ярашмас унга сира,
Суюннинг кўнгли хира.
Ука-да, қилар ҳадик,
Гапиролмас унга тик.
Ўтириб бир кун оқшом
Гўё келгандай илҳом



«Акам келдилар қочиб»
Мақола ёзди шошиб.
Ииртиб ташлади аста,
Бошқа ёзди бирпасда.
«Мақтанганим бўлмади,
Сиздан кўнглим тўлмади,
Нима дейман мактабга,
Қолдим росаям гапга,
Қочоқнинг укаси деб,
Таъна қилишар ҳадеб».
Акасига ёзди хат,
Имзо қўймади фақат.
«Гапимни олманг оғир»,
Дея ёзганди ахир.
Конвертга жойлади,
Ташлаб кетди, пойлади.
Акаси ўқиб кўрса,
Бўлади унга кўнса.
Игнаси-бигизи бор,
Асоси — негизи бор.
Бошқаларда ҳам шундай
Ҳолни сизди бутунлай.
Ўзини олиб қўлга,
Отланди, қайтди йўлга.
Санақул эртасига
Укаси — эркасига
Кулиб боққандай бўлди,
Гапи ёққандай бўлди.
Суюннинг суюнганин,
Ҳар ёнга юурганин
Кўрсангиз кўкка сакрар,
Тили булбулдай сайрар.

VII

Ёнаётган вулқонга
Бошладилар зўр ҳужум.

Бундай полвон инсонга
Балки қойил Қизилқум.
Ёнаётган газ олов,
Қанча бўлмасин асов,
Ортиқ қилолмай «ўйин»
Инсонга эгди бўйин.
Ер остида газ полвон
Бошласалар қай томон,
Юрди мардлар йўлидан.
Эргашу Санақул ҳам
Ҳисса қўшди чинакам.
Эргаш чин йигит экан,
Шундай бўлар мард деган.
Ун гулидан бир гули
Очилгани йўқ ҳали,
Қирчиллама маҳали.
Кучлар тўлган билакка,
Етишмоқда тилакка.
Улар билар иш кўзин
Қонда кичик иш-катта.
Чўлда ишлашнинг ўзи
Қаҳрамонлик, албатта.

Машиналар тилини,
Ер ости тилсимини
Ўрганишар астойдил,
Ишига қўйиб кўнгил.
Қомсомоллар сафида,
Гўё кон мактабида,
Тинглаб меҳнат эртагин
Пармалашар ер тагин.
Қарар вишка устида
Ҳарён Санақул, Эргаш
Шу чоқ ернинг остида
Бораётир пармалаш.
Моторларнинг овози

Гўё меҳнатнинг сози,
Яратган ажиб оҳанг,
Эндигина отар тонг.
Тонгнинг тиниқ сут ранги
Уларга жуда янги.
Чўлга сифмай яйрашар,
Тўйиб-тўйиб қарашар.
Бир маҳал чиқди офтоб,
Нур таратиб беҳисоб.
Икков қуёшга боқар,
Хаёли қанот қоқар.
Хаёлида шу нафас
Трубалардаги газ,
Гўё узоқдан қуёш —
Бўлиб кўтарганди бош.

Эргаш йиғар хаёлин,
Ўзгартади мисолин:
«Биз ёққан қуёш бошқа,
Иссиғи, ҳарорати
Ўхшаса-да, қуёшга,
Ундан ҳам зўр қудрати...»
Деб Эргаш боқар узоқ,
Шу қуёшлар қўйнида,
Уларнинг ёш кўнглида
Бахт кўринар ярқироқ —
Отаётган шу тонгдан,
Бахтин тонди шу кондан.

Оловкорлар доврўғи
Ёйилди кенг Ватанга.
Юртнинг икки мард ўғли,
Халқ дер: — Раҳмат отангга!

МУНДАРИЖА

Олтмиш олтимиз	3
Ўқитувчи берди-да салом	5
Қойил қилиб сўзлар космонавт акам	6
Доно ва меҳрибон	8
Сўзламоқчи кранчи	9
Оқ халат кийган врач	11
Пойабзал фабрикадан	13
Ер бойлиги кўп, деди шахтёр	15
Хонанда ҳунарга бағишлаб	17
Пўлат қуювчи бир қараб қўяр	19
Гапирди пахтакор қиз ўзи	21
Докторлар бор, турли-туман	23
Текстилдан келган опам	25
Тракторчи фикри тийрак	27
Геолог сўзи чуқур	29
Гапирганда оддий чўпон	31
Фикрин дилда пишитиб бирпас	33
Слесару слесарь	35
Тинглашди сотувчи гапини	37
Нонвой ўз нонидан	39
Гапига боғлаб қанот	41
Фишт терувчи терганда сўзни	43
Андозадан чиқмайин	45
Эскаваторчи тўхтаб	47
Қойил қилди жудаям	49
Шофёр сўйлар	51
Композитор бастакор	52

Эштайлик нима дер	54
Раққоса аввало ўйнади	56
Монтёр сўз бошлаган чоғ	58
Заводдан келган токаръ	60
Муқавасоз	62
Келди гапнинг хонаси	64
Қўлида қолип-нусха	66
Сартарош ҳам сўз бошлар	68
Дилни дилга этиб пайванд	70
Айтиб ўтди ўз бурчин	72
Қаранг-а, почтальон	74
Буёқчи ҳам қизариб хиёл	76
Агроном гўё табиб	78
Корректорнинг сўзида ҳатто	80
Астроном-мунажжим	82
Атрофга бир-бир қараб	84
Гап тагига етсангиз агар	86
Созанда чалиб торин	88
Кенг яғринли ботир матрос	90
Сигир соғувчи мамнун	92
Сўзлаганда ҳамшира	93
Машинист бошлар сўзин	95
Чевар дўппидўз	97
Тингланг, нима дер	99
Чилдирмачи эгилиб	101
Сув қуйгандек атроф гўё	103
Мерган овчи, қаранг дарровдан	105
Аптекачи сўзи ҳам	107
Ҳарф терувчи аста	109
Рассомлик нозик санъат	111
Сўзлаганда кимёгар	113
Келиб дерди комбайнчи	115
Толиб янги иборалар	117
Фурсати эканми оз	119
Дарвозабон сўзлади	121
Архитектор ҳар қалай	123

Тикувчи дер: кийим-кечак	125
Боксчи салом бериб	127
Унча кўп айлантирмай	129
Ҳайкалтарош сўзлай кетди	131
Сўзлаб бўлдик бизлар	133
Вақтида бахт топганлар (Достон)	135

М 86 Мўмин Пўлат.

Олтмиш олти олтин қўл. Шеърӣ туркум ва дoston. (Ўрта ва катта ёшдаги болалар учун). Т., «Ёш гвардия», 1977.

160 б. расм. (Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган).

Мумин Пулат. Смена — 66 золотые руки.

Уз 2

Ўрта ва катта ёшдаги болалар учун .

На узбекском языке

ПУЛАТ МУМИН

СМЕНА — 66 ЗОЛОТЫЕ РУКИ

Цикл стихов и поэма

Издательство «Ёш гвардия», Ташкент — 1977

Редактор Рауф Толипов
Рассом К. Маҳнамов
Расмлар редактори Қ. Алиев
Техн. редактор Л. Буркина
Корректор М. Ортиқова

ИБ № 129

Босмахонага берилди 30/V-1977 й. Восишга
рухсат этилди 13/XII-1977 й. Формати
70×90¹/₃₂. Босма листи 5,0 Шартли
босма листи 5,85. Нашр листи 5,4. Тира-
жи 45 000.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, Навоий
кўчаси, 30. Шартнома № 6—77.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети наш-
риётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли
босмахонаси. Тошкент, «Правда Востока»
кўчаси, 26. 1977 йил. Заказ № 1170. Ваҳо-
си 30 т. Қоғоз № 1. P-01789.
